



Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHNEN SEN

# Хабар

24

(769)-son

15-iyun

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Nokia компанияси янги Nokia 8600 Luna аппарати чиқарилганини маълум қилди.

Янги модел қиммат телефонлар туркумига киради. Тақдим этилган аппарат ўзига хос дизайни билан ажралиб туради. Унинг ташқи қисми металл билан қопланган. Телефонда 2 мегопикселли камера, FM-радио, 320x240 ўлчамли катта TFT-дисплей мавжуд. Шунингдек, ундан Quad-band GSM, Bluetooth ва биринчи бор – микро USB порт ўрин олган.



Ушбу сонда:

**ШУҚР ҚИЛСАҚ  
АРЗИЙДИ**

2-БЕТ ➔

**ЕРТЎЛАДА  
НИМА БОР  
«МЕҲМОН»?**

5-БЕТ ➔

**GPS ДЛҲ  
ФОТОАППАРАТОВ**

6-БЕТ ➔

**ЁШЛАРНИНГ  
ЁШ УСТОЗИ**

11-БЕТ ➔

**ПОЧТАЧИ  
ФИЛЛАР**

16-БЕТ ➔

3-БЕТ ➔



**“Универсиада-2007”  
ўйинларига 6 кун қолди**




Талаба ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган Универсиада мусобақалари машъаласи бу йили Тошкент шаҳрида ёқилади.



**UzNet**

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги ўй Интернетети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9-10 июн кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ва XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этди.**

Санкт-Петербург саммитида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов саммит доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Берди-мухаммедов билан учрашди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов утган пайшанба кuni Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Халид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди.**

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бутунги аҳоли ва истиқболга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 8 июн кuni Оқсаройда Корея Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Кенг Дэв Мин ва Йан Чарлз Макдоналд Келли ишовч ёриқларини топширди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида "Оммавий ахборот воситаларининг янгиликларини тезкорлик билан ёритишдаги вазифалари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда дунё сарҳадларида содир бўлаётган воқеаларни ўз вақтида ёритиш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, уларнинг демократияни чуқурлаштириш ва омманинг сиёсий фаолиятини оширишдаги ролини кучайтириш, соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг меҳнатини рағбатлантириш юзасидан қатор тавсиялар билдирилди.

✓ **Тошкент Кимё-технология институти олимлари узоқ изланишлардан сўнг таркиби фосфорли кислоталардан ҳоли оҳак олиш усулини кашф қилдилар.**


У Олмалик шаҳрида "Аммофос" очиқ акциядорлик жамиятида сынаб кўриладиган бўлди.

✓ **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Қорақалог'истон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Амударё тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Шу азиз Ватан барчамизники" номи дўстлик форумини ўтказди.**

Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда туманда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

**ЯҚИНДА ТЕЛЕВИЗОРДА ҲУРМАТЛИ ЮРТБОШИМИЗНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДА ҒОЯТ ҚИСҚА МУДДАТ — ТҮРТ ОЙ ИЧИДА ҚУРИЛИБ БИТКАЗИЛГАН ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИГА ТАШРИФИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ. ОЛИБ БОРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК-ТАЪМИРЛАШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИДАН СЎНГ МАЖМУА ШУ ДАРАЖАДА ГЎЗАЛЛАШИБДИКИ, КЎРИБ БЕИХТИЁР КЎЗЛАРИМ ЁШГА, ҚАЛБИМ ҒУРУРГА ТЎЛДИ.**

## ШУҚР ҚИЛСАК АРЗИЙДИ



**Б**ир вақтлар таъқиб остига олинган, фуқароларимиз муслмончиликнинг оддий фарзи — намоз ўқишдан ҳам маҳрум этилган азиз юртимиз бош шаҳри Тошкентнинг нуфузли халқаро ташкилот томонидан Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нахшбандий каби жаҳонга машҳур улуғ боболаримиз абадий ўйкуда ётган гўшаларни ободонлаштириш ишларига шахсан давлатимиз раҳбарининг бош-қош бўлиши, диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳар бир ўзбекистонлик кўнглини тоғдек кўтариши тайин. Республикаимиз Президентининг бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этган қурувчиларга миннатдорчилик билдиришларини кўриб, шу кунларга етказганига шукр, дедим беихтиёр. Негаки...

Тошкент давлат университетидеда ўқиш даврим атеизмининг энг кучайган пайтларига тўғри келган. Ушанда гуруҳимизда ўқийдиган талабалардан бири ўқитувчимизга шундай дегани эсимда:

— Домла, яқинда бир ўқитувчимиз оламдан ўтди. Биз қанча шароит қилмайлик, яқинлари жаноза ўқитишди. Бу ҳол қачонгача давом этади?! Бу бутун вуқудни коммунистлар ғояси билан сўғорилган партия аъзосининг гапи эди.

Кўп ўтмай ўқишимни битириб, туман газетаси таҳририятига ишга жойлашдим. Бизнинг туманимиздан чиқиб, юқори лавозимда ишлаётган амалдорнинг волидаси оламдан ўтди. Онахонни ота-онаси ётган қабристонга қўйишди. Эшитишимга қараганда, жанозани ҳамма кетгандан кейин, қабристонга бориб ўқишга мажбур бўлишди. Буни эшитган бошлигимиз афсус-надомат билан шундай деган эди:

— Мен ҳам компартия аъзосиман. Ота-онам қариб қолишган. Уларга бирор нима бўлса, фарзандлик бурчимни қандай бажараман?

Бу эса замон талаби билан уму-

мий оқимга қўшилса-да, эътиқодини бутун сақлашга ҳаракат қилаётган инсоннинг гапи эди.

Энди-чи? Деярли ҳар бир қишлоқнинг, маҳалланинг масжиди бор. Одамлар эмин-эркин ўз эътиқодларига амал қилмоқдалар. Пойтахтимизда Ислам университети ташкил этилиб, талабалар у ерда нафақат диний, балки дунёвий илмларни ҳам ўрганмоқдалар. Қизлар учун алоҳида билим маскани фаолият кўрсатмоқда. Бир вақтлар ота-боболаримиз қалбида армон бўлиб қотган Ҳаж зиёратига ҳар йили минглаб ватандошларимизнинг бориб келишлари, бу сафарга шароит яратиш ҳукумат эътибори даражасида эканлиги-чи?

Буларнинг бари, менимча, мустақиллик берган энг олий неъматлардандир.

Яқинда уйимизга чекка вилоятлардан бирида яшайдиган курсдош дугонам меҳмон бўлиб келди. Чой устиде бирга ўқиган пайтларимизни эсладик. Дугонанинг пойтахтга келмаганига анча бўлган экан.

— Тошкент кейинги йиллар ичида шу даражада гўзаллашибдики, — дерди у қувончини яшира олмай. — Ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Кенг ва раvon кўчалар, жаҳон андозаларига мослаб қурилган осмонўпар бинолар, тунги чироқлар билан безатилган кўприklar... Қисқа муддат ичида шунча ўзгариш.

— Бунга сабаб эркимиз ўзимизда, топганимиз юртимиз ривожига сарф бўляпти-да, — дедим унинг хурсандчилигига қўшилиб.

Дарҳақиқат, юрт мустақиллиги қанчалар катта бойлик эканлигини тушунаймиз, унинг қадрига етяймиз. Мана деярли ўн йил бўляптики, Юртбошимиз томонидан ҳар бир йил ўз номи билан аталиб, ўша номи боғлиқ ҳолда махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиши анъана тусига кирди. Ушбу дастурларни бажариш доирасида амалга оширилаётган ишларнинг бари биргина мақсад — иқтисодимизнинг бозор муносабатларига ўтиши жараёнида аҳоли кам таями-

нотли қатламнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилмоқда. Ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ тадбирлар қамрови эса ҳар бир йил олдингисининг давоми сифатида бир-бирини тўлдириб бораётгани каби кенгайиб бормоқда. Бу йилги Ижтимоий Ҳимоя йили муносабати билан пенсионер ва ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган чексиз эътибор, уларнинг даволанишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун яратиб берилаётган шароитлар — буларнинг бари истиқлол туфайлидир.

Кейинги пайтда нодавлат ташкилотлар — жағғармалар фаолиятига ҳам кенг йўл очиб берилаётди. Уруш ва меҳнат фахрийлари бошини бир жойга қовуштириб, уларни ижтимоий муҳофаза қилишдек савобли ишга бош-қош бўлаётган ташкилот — Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жағғармаси ана шуларнинг бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Бир пайтлар уруш фахрийлари кенгаши деб аталган ташкилотимиз мустақилликдан сўнг "Нуроний" номи билан атала бошланди, — дейди мазкур жағғарма марказий кенгаши раиси, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Эркин Бокбоев. — Бу ҳақда Республика Президентининг махсус Фармони эълон қилиниб, фахрийларга жуда катта имтиёзлар яратилди. Ушбу Фармон бизга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Айни пайтда жағғармаимиз фахрийларнинг энг сеvimли жойига айланган. Улар саломатлигини мустаҳкамлаш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда ҳурматли кексаларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

Ҳа, бугун умрини юрт ривожига бахшида этиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз давраларнинг тўрида. Энг яхши шифоналар, санаторийлар улар ичтирида. Бу ҳам истиқлол берган имкониятлар туфайлидир.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи деб аталувчи, аҳамиятини дунё та олаётган жаҳон кўлаётган маҳаллалар оксоқоллар кенгашлари фаолияти ҳам мустақиллик йилларида такомиллашди. Бугунги кунда маҳалла йиғинлари тарбия учоғи бўлиб билан бирга жуда қўллаб муаммоларни мустақил ҳал этмоқда. Маҳалла фаолларининг ҳуқуқлари кучайиб бормоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимиз бундан дилдан ҳис қилишлари, юрт ривожу учун бор имкониятларини ишга солиб, астойдил ҳаракат қилишлари лозим, албатта. Зеро, мустақилликдек буюк неъматни асраш, уни мустаҳкамлашга ҳисса қўиши ҳар бир ўзбекистонликнинг вазифаси ва бурчидир.

Муборак МИРКАМОВА,  
«Хабар» муҳри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**ТАРИХИ**

Хукуматимиз томонидан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ яратилган узлуксиз таълимда оммавий спортни ривожлантиришга уйғунлашган доимий фаолиятдаги уч босқичли спорт тизими 2000 йилдан амалга оширила бошланди. Ушбу тизимнинг биринчи босқичи – “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида, иккинчи босқичи – “Баркамол авлод” ўйинлари касб-ҳunar коллежлари ва академик лицейлар ўқувчи-ёшлари, учинчи босқичи – “Универсиада” баҳслари олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилади. Айни пайтда бу тизим халқаро миқёсда ҳам мутахассислар томонидан янги, самарали педагогик технологиялардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Универсиада ўйинлари олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган минглаб ёшларни спортга жалб қилади, замон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларининг барпо этилишига замин яратади.

Илк Универсиада мусобақаси 2000 йили Наманган шаҳрида ўтказилди. Унда спортнинг тўққиз тури бўйича 1409 нафар ёшлар қатнашди.

“Универсиада-2002” мусобақаси Бухорода ташкил этилди. Бу сафар 2265 нафар талаба спортнинг 12 тури бўйича баҳс олиб борди.

Самарқандда ўтказилган “Универсиада-2004” финал баҳсларида иштирок этган талаба-спортчилар сони 2572 нафарга етди.

Кўриниб турибдики, ушбу спорт байрамига бўлган қизиқиш ва унда иштирок этиш иштиёқи йилдан-йилга ошиб борапти. “Бугун универсиада, эртага олимпиада!” шiori ёш спортчилар қалбидан тобора чуқур жой олмоқда.

**ТАЙЁРГАРЛИК**

Шу йилнинг 21-24 июн кунлари Тошкентда ўтказиладиган “Универсиада-2007” мусобақасига қизгин ҳозирлик кўрилди. Дастурга кўра, иштирокчилар 20 июн куни пойтахтга етиб келишади. 21 июн куни Тошкент вилояти, Паркент туманидаги “Қуёш физикаси” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида спорт ўйинлари машъаласи ёқилиб, Тошкентга келтирилади. Шу кунги Ташки иқтисодий фаолият миллий банки спорт мажмуасида универсиада-нинг тантанали очилиш маросими ўтказилади. Талабалар 21-24 июн кунлари Ўзбекистон миллий университети, Тошкент тиббий

академияси, Тошкент давлат техника университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва Ташки иқтисодий фаолият миллий банки спорт майдонларида енгил атлетика, футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, кураш, белбоғли кураш, шахмат, сузиш, теннис, стол тенниси ва дзюдо бўйича баҳс олиб борадилар (жадвалга қаранг). 24 июн куни Ташки иқтисодий фаолият миллий банки спорт мажмуасида голибларни тақдирлаш ва “Универсиада-2007” мусобақасининг тантанали ёпилиш маросими ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг “Универсиада-2007” мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича 16та ишчи гуруҳи тўзилган. Бу гуруҳлар иштирокчиларни тураржой билан таъминлаш, овқатланишни ташкил


университети, Тошкент молия университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети ётоқхоналари спортчилар учун шай этиб қўйилган. ТАТУ ётоқхонасига 584 нафар талаба жойлашади. Уларнинг овқатланишлари учун ётоқхона олдида янги ошхона қурилиб, тўлиқ жиҳозланди.

Ҳозирда “Универсиада-2007” мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича 16та ишчи гуруҳи тўзилган. Бу гуруҳлар иштирокчиларни тураржой билан таъминлаш, овқатланишни ташкил



ТАТУ ётоқхонасига 584 нафар иштирокчи жойлашади.

# “Универсиада-2007” ўйинларига 6 кун қолди



ёшларимиз машғулот олиб боришлари, балки йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш ҳам мумкин. Тошкент давлат техника университети ҳудудидаги сув ҳавзаси ҳам барча талабаларга жавоб беради. Шунингдек, бу ердаги яна бошқа қатор спорт мажмуалари талабаларнинг сеvimли масканига айлангани шубҳасиздир. Тошкент тиббий академиясида қуриб битказилган янги стадион ҳам талабалар учун муносиб совға бўлди. Тўрт ярим минг томошабинга мўлжалланган ушбу спорт иншоотида “Универсиада-2007” дастуридан ўрин олган енгил атлетика мусобақалари ўтказилади.

**ҲАҚИҚИЙ БАЙРАМ**

Универсиада ёшларимиз учун ҳақиқий спорт байрамига айланиб улгурди. Зеро, “Универсиада-2007” мусобақаларининг биринчи босқичида 145500 нафар талаба иштирок этиб, ўзaro беллашдилар. Иккинчи босқичда эса 11600 нафар талаба-спортчилар ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Ушбу рақамлар мамлакат келажаги бўлган ёшларнинг спортга бўлган иштиёқи баландлигидан ва уларнинг спортга ошно тутилишлари учун барча имкониятлар мавжуд эканлигидан далолат бериб турибди.

Хуллас, Универсиада мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини уйғотиш, мардлик ва ватанпарварлик, она юртга садоқат туйғуларини камол топтириш имконини беради.

Лутфилло ТУРСУНОВ

№	СПОРТ МАЖМУАЛАРИ	ТУРИ
1	ТДТУ	Баскетбол (аёллар)
	ЎЗМУ спорт зали	Баскетбол (эркаклар)
	ЎЗМУ спорт зали	Кўл тўпи (аёллар)
2	ЎЗМУ спорт зали	Стол тенниси (аёллар,эркаклар)
	ЎЗМУ бассейни	Сузиш
	ЎЗМУ стадиони	Футбол
	ТТА спорт мажмуаси	Енгил атлетика
	ТТА спорт зали	Кўл тўпи (эркаклар)
3	“Миллий банк” спорт мажмуаси	Футбол
	“Миллий банк” спорт мажмуаси	Волейбол (эркаклар)
4	ТТЙМИ спорт зали	Кураш
	ТТЙМИ спорт зали	Белбоғли кураш
	ТТЙМИ спорт зали	Дзюдо
	ТТЙМИ спорт зали	Волейбол (аёллар)
	ТТЙМИ спорт зали	Теннис (эркаклар, аёллар)
5	ТТЙМИ спорт зали	Футбол
	ТТЙМИ спорт зали	Шахмат
	ТТЙМИ спорт зали	Шахмат

да-2007” спорт мусобақаларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида ишлаб чиқилган Низомга кўра, вилоятлардаги иштирокчи талабаларнинг темир йўл транспортда келиш ва кетиш йўналишлари ҳамда жадваллари тузилган. “Ўзбекистон темир йўллари” ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компаниялари “Универсиада-2007” иштирокчиларига имтиёзли равишда хизмат кўрсатади. Поездларда келувчилар вокзалда, самолётда келувчилар аэропортда, автобусда келадиганлар эса белгиланган жойларда кутиб олиниб, махсус транспортларда тураржойларига етказилади.

Талабаларнинг ётоқ жой билан таъминланиши ва уларнинг овқатланиш масаласига ҳам жиддий қаралмоқда. Ўзбекистон миллий

қилиш, ОАВ билан ишлаш ва бошқа зарурий фаолиятларни олиб боради. Бундан ташқари, штаб ташкил этилган бўлиб, улар таркибида тиббий ётиб ҳодимлари, транспорт, электр, газ, сув таъминоти ва ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул шахслар кечаю кундуз фаолият кўрсатади. Шунингдек, иштирокчиларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида кечки пайтда таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари уюштириш ҳам кўзда тутилган.

**ЯНГИ ИНШОТЛАР**

Айни пайтда, кўплаб олий таълим муассаларида янги спорт мажмуалари барпо этилди. Эскилари таъмирланиб, замонавий спорт анжумлари билан таъминланди. Жумладан, “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида амалга оширилган ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ, ЎЗМУ ҳудудида барпо этилган сув спорти саройида нафақат

**Мусобақа иштирокчиларига муваффақиятлар тилаймиз!**

### ЖОРЖ БУШ МУЛТСЕРИАЛ КАХРАМОНИ

АҚШдаги энг оммабоп телеканаллардан бири Comedy Central Президент Жорж Буш ҳақида "Кичкина Буш" (Lil' Bush) номли олти мисдан иборат сатирик мультисериални намойиш қилишни бошлади.



"Кичкина Буш" ташқи қиёфаси кичкина Жорж Бушга ўхшайди, у каби гапиради, "президентлик" костюми ва галстугида юради. Шунингдек, бешинчи синф ўқувчиси бўлган бу қахрамон ота-онаси - АҚШ президенти катта Жорж Буш ҳамда биринчи хоними Барбара Буш билан Оқ уйда яшайди.

Мултсериалда бош қахрамон кўриниши ва овозларидан қилмиги маълум бўлган "Кичкина Чейни" (Ричард Чейни), "Кичкина Конди" (Кондолиза Райс) ва "Кичкина Рамми" (Доналд Рамсфелд) каби синфдош ва дўстлари билан қўлаб тўполонлар уюштиришади ва оқибатда кулгилли вазиятларга тушиб қолишади. Улар доимо "Кичкина Хиллари" (Хиллари Клинтон), "Кичкина Барака Обама", "Кичкина Ал Гор" (Алберт Гор), "Кичкина Керри" (Жон Керри) ва бошқа синфдошларига қарши иш тутишади. Шунингдек, телеканал филмда "Кичкина Тони Блэр" ва "Кичкина Ким Чен Ир"ни ҳам гаудалантирган. Хуллас, мултсериалда АҚШ ва Жорж Бушнинг бүгунги олиб бораётган сиёсати кулгилли тарзда ифодаланган.

"Вашингтон сиёсати шунчалик болаларча ҳамда шунчалик содда ва юзаки-ки, бу мактаб ҳолисисини ёки болаларнинг оддий тўполонини эслатади, — деган сатирик сериал асосчиси, америкалик продюссер Доник Кэри Channel Guide журнаliga берган интервьюсида. — Ҳақиқий кичкина Жорж Буш ядро куралига ва ёш бола ҳиссиётига эга. У ўзининг хатти-ҳаракати, сифатлари билан "Кичкина Буш" ролига жуда мос тушади".

Оқ уй ушбу сериалнинг пайдо бўлишига ҳали ўз муносабатини билдиргани йўқ.

### "ОФЕК-7" ПАРВОЗИ

Исроилда "Офек-7" номли кузатув сунъий йўлдоши парвози муваффақиятли амалга оширилди.

Сунъий йўлдош орбитага кўтарилиши билан фаолиятини бошлади. Маълумотларга кўра, дастлабки фотосуратлар яқин кунларда Ерга узатилади. Ушбу сунъий йўлдош 2004 йилда Урта Ер денгизига қўлаб тушган ва чўкиб кетган "Офек-6"нинг таксимлашган издоши ҳисобланади.

### "АЛ-АСКАРИЙ" ДА ПОРТЛАШ

Ироқнинг Самарра шаҳридаги шиаларнинг машҳур муқаддас масжиди ҳисобланган "Ал-Аскарый" да икки марта кучли портлаш содир бўлган.



"Ассошиэйтед пресс" агентлиги хабарига кўра, портлаш оқибатида масжиднинг иккита минораси жиддий талофот кўрган. Қурбон бўлган ва яраланганлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Шиаларнинг икки машҳур имоми - Али ал-Ходи ва Ҳасан ал-Аскарый дафн этилган ушбу масжидда 2006 йилда ҳам излаб ироқликлар ўлимга сабаб бўлган портлаш содир этилган эди. Бу эса мамлакатда маъаблараро низоларни янада алангалатганди.

### АВТОБУСМИСАН, АВТОБУС!

Хитойда 300 нафаргача кишига мўлжалланган дунёдаги энг узун автобус ишлаб чиқарилди. Ушбу суперавтобус "Олимпиада-2008" меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун махсус тайёрланди.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, автобуслардан бири "Осиё автобус олами-2007" кўргазмасида намойиш этилган. Салони узунлиги 25 метр бўлган мазкур автобус лойиҳаси Чжаэцзян провинциясидаги "Циннян" автомобил корпорацияси конструкторлари томонидан тайёрланган. Мутахассисларнинг фикрича, автобус экология борасидаги замонавий талабларга жавоб беради, ҳатто салонидан ногиронлар аравачаси учун ҳам жой ажратилган.

Ушбу транспорт яратувчиларининг айтишича, автобус сертификатга эга ва улар яқин кунлар ичида синов тариқасида йўналишга чиқарилади. Пекин ҳамда Чжаэцзян провинцияси маркази Ханчжоу аҳолиси уларнинг биринчи йўловчилари ҳисобланиши кутилмоқда.

Интернет материаллари асосида Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

**Хоразм вилояти Давлат алоқа инспекцияси почта ва телекоммуникация соҳасидаги юридик шахслар томонидан қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига риоя қилинишини назорат этиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби тадбирларни амалга оширмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар ва соҳа мутахассислари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари билан таништирилиб, уларга амал қилган ҳолда камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.**

Шунга қарамадан, айрим субъектлар мутасаддилари камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган кўрсатмаларга тўлиқ амал қилимаяпти. Масалан, жорий йилда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқланган текшириш режа-жадвалига асосан «Студия-Шахноза» фирмаси фаолияти текширилди. Текшириш жараёнида ушбу фирма

қилинганда, Гурлан, Қараул, Шовот, Богот, Қўшқўпир, Янгибозор, Урганч шаҳар ҳамда Питнак ПАТ (почта алоқаси тармоғи) лари томонидан тузилган ҳужжатли ва тўсатдан текшириш ўтказиш режалари ўрнатилган тартибга тўғри келмаслиги аниқланди. Бинобарин, битта алоқа бўлими бир пайтнинг ўзида ҳам тўсатдан, ҳам ҳужжатли тафтишдан ўтказилган. Қўшқўпир ПАТнинг Ш-Машиҳад алоқа бўлимида 16 январда бошлиқ ўринбосари Д.Пирязова томонидан тўсатдан текширув, шу кунги Қўшқўпир ПАТ йўриқиси Р.Саъаев томонидан ҳужжатли текширув ўтказилган. Кенагас алоқа бўлимида 16 январда Қўшқўпир ПАТ йўриқиси Р.Аллакулиева томонидан тўсатдан тафтиш ўтказилган бўлса, 24 январда Қўшқўпир ПАТ бошлиғи Ш.Бекчанов томонидан ҳужжатли текшириш амалга оширилган. Қараул ПАТнинг Қахрамон, Ақ-мактаб, Чат кўпир алоқа бўлимида тўсатдан ва ҳужжатли текширишлар 1 ой ичида ўтказилган. Бундай ҳолатда тафтиш ўтказилган қарамасдан, барча ПАТда масъул ходимларнинг ўрнига бошқа ходимлар иштирок этишди.

# ЛОҚАЙДЛИКМИ ЁКИ БЕПИСАНДЛИК?

Шунингдек, ўтган йил вилоят Электромангнит мослашув хизмати ходимлари билан биргаликда рейд ўтказилди ва аниқланган камчиликлар бартараф этилмаганлиги инобатга олиниб, «Студия-Шахноза» фирмаси раҳбари Р.Матякубов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддаси 1-қисмига асосан жаримага тортилди.

Ўтказилган текшириш давомида фирма фаолиятида бошқа камчиликлар ҳам мавжудлиги, яъни қонуний ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, бу билан лицензия шартномасининг 3-банди 3- ва 10-қисми талаблари бажарилмаганлиги, вилоят Давлат алоқа инспекциясининг эслатма хатига қарамай лицензия мuddати тугашига 2 ой қолганда лицензия берувчи органга ариза бермаганлиги, лойиҳа-смета ҳужжати мавжуд бўлмаганлиги, қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш бўйича давлат комиссияси тузилмаганлиги ва объект комиссияси томонидан қабул қилинмаганлиги аниқланди.

Юқоридаги камчиликларни эътиборга олган ҳолда, вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан «Студия-Шахноза» фирмасига кабел орқали теледастурларни тарқатиш фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма тақдим қилинди ҳамда тегишли чора кўриш учун ҳужжатлар Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекциясига юборилиб, инспекциянинг чора кўрганилиги тўғрисидаги маълумотлари олинди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали таркибидagi почта алоқаси тармоқларида 2007 йил 1 чорак давомида ўтказилган ҳужжатли ва тўсатдан текшириш натижалари таҳлил

варда бошлиқ ўринбосари Д.Пирязова томонидан тўсатдан текширув, шу кунги Қўшқўпир ПАТ йўриқиси Р.Саъаев томонидан ҳужжатли текширув ўтказилган. Кенагас алоқа бўлимида 16 январда Қўшқўпир ПАТ йўриқиси Р.Аллакулиева томонидан тўсатдан тафтиш ўтказилган бўлса, 24 январда Қўшқўпир ПАТ бошлиғи Ш.Бекчанов томонидан ҳужжатли текшириш амалга оширилган. Қараул ПАТнинг Қахрамон, Ақ-мактаб, Чат кўпир алоқа бўлимида тўсатдан ва ҳужжатли текширишлар 1 ой ичида ўтказилган. Бундай ҳолатда тафтиш ўтказилган қарамасдан, барча ПАТда масъул ходимларнинг ўрнига бошқа ходимлар иштирок этишди.

Давлат алоқа инспекцияси билан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқаси соҳасида ўзаро ҳамкорликда ишлаш юзасидан келишувининг 2.1-бандига асосан 2007 йил март ойида Қараул почта алоқаси тармоғида ўрганишлар олиб борилди. Мазкур соҳага тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши, почта хизматлари ва пул маблағларининг муҳофазасини кучайтириш, хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш бўйича аҳвол билан танишилди.

Туман почта тармоғининг меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси 78 фоизни ташкил қилган. 3-шаклда дафтарий ўрнатилган тартибдаги бланкаларда юритилмаган. «Чакка-шоликор» алоқа бўлими 1-, 5-шакллар, ТГ-2 бланка ва дафтарлар билан таъминланмаган. «Юқори Дўрмон», «Чакка-шоликор» ва «Чат кўпир» алоқа бўлимида 20 ва 26-шаклда дафтарлари мавжуд эмас. Почта хизмат турларидан йиғилган маблағлар бўйича алоқа бўлимида 47-шаклда дафтаридан квантация берилмаган. Юқорида кўрсатилган камчиликлар

бўйича Қараул алоқа тармоғининг 2007 йил 9 мартдаги 24-сон буйруғига асосан ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги сабабли Бекобод алоқа бўлими бошлиғи Юсуфбой Султонов 1-чорак муқофот пулидан маҳрум қилинган.

«Ўзбектелеком» АК ва Давлат алоқа инспекциясининг телекоммуникация соҳасида ҳамкорликда ишлаш бўйича ўзаро келишувига асосан тармоқни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан жойларда ўрганишлар олиб борилди. Питнак телекоммуникациялар боғламаси фаолияти ўрганилганда қуйидаги камчиликлар аниқланди. Айрим линия хўжалиқларида аҳвол қониқарсиз даражада. Туман марказидаги Мустақиллик кўчаси бўйлаб кўп ситимли магистрал кабеллар хаво алоқа линиялари орқали тортилганлиги учун осилиб қолган. Ҳазорасп кўчаси 3/9-уй ёнида жойлашган ТЖ-1, Ризаев кўчасидаги ТЖ-10 ҳамда ТЖ-2 шакллари тағи бетонлаштирилмаган. Шафк ичида профилактик ишлар олиб борилмаган ва шу ҳудуддаги қудуқлар очик ҳолатда. «Қурвчилар» кўчасида абонент симлари электр симёғочга боғлиниб тортилган. Кўрсатилган камчиликлар бўйича Питнак телекоммуникациялар боғламаси бошлигининг

2007 йил 4 мартдаги 19-сон буйруғига асосан кросс электромонтер И.Холмуртовга хайфсан эълон қилинди, электромонтерлар С.Давлетов, К.Худоевларнинг 1 чорак муқофот пули 50 фоизга, линия хўжалиғи муҳандиси А.Очиловнинг муқофот пули 30 фоизга камайтирилди.

Амалдаги қонун-қоидаларга лоқайдлик ва беписандлик билан ёндашаётган субъектлар орасида «Rubicon Wireless Communication» кўшма корхонаси ҳам бор.

Апрел ойида вилоят Давлат алоқа инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи вилоят ҳудудий бошқармаси, ички ишлар бошқармаси ва Электромангнит мослашув хизмати билан қўшма рейд ўтказилиб, кўшма корхонанинг уяли алоқа база станцияларидан рухсатномасиз фойдаланганлиги аниқланди. «Rubicon Wireless Communication» кўшма корхонасининг BTS русумли 16 та уяли база станцияси Шовот, Ҳазорасп, Янгибор, Хива, Богот, Янгибозор, Гурлан туманлари ва Урганч шаҳрида жойлашган бўлиб, шундан бта станциядан вақтинча фойдаланиш учун бир ой мuddат берилган. Бтасига эса кўриш ва лойиҳа-майтириш учун 6 ойга рухсатнома берилган бўлиб, фойдаланиш учун рухсатнома олинмаган. Хива, Гурлан ва Урганч шаҳрида ўрнатилган бта станциядан эса ҳеч қандай ҳужжатсиз фойдаланилмоқда. Кўшма корхонанинг ноқонуний фаолияти бўйича тўпланган ҳужжатлар тегишли ваколатли органларга чора кўриш учун юборилди.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларда амалдаги мавжуд қонунларни четлаб ўтиш ҳолатлари аниқланди. Давлат алоқа инспекцияси тегишли ташиқлотлар билан ҳамкорликда яширин фаолиятга барҳам бериш чораларини кўрмоқда.

**М.РАҲАЖОВ,**  
Хоразм вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи

ABDULLA QAHHOR TAVALLUDINING  
100 YILLIGI OLDIDAN



Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси Ахборот-ресурс марказида улуг адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Уни халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги "Миллий ғоя ва мен" клуби раҳбари Сувон Мамадиёров олиб борди.

Маънавиятимиз  
чинори

Иштирокчилар карманалик ижодкор Муҳаммад Латиповнинг адиб ҳаёти ва ижодига доир, Навоий давлат педагогика институти доценти, фалсафа фанлари номзои Худойберди Пулатовнинг "Абдулла Қаҳҳор — адабиётимиз фидойиси" ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Фурқат Йўлдошевнинг "Абдулла Қаҳҳор — маънавиятимизнинг кудратли чинори" мавзуларидаги маърузаларини тингладилар, ёзувчининг бой адабий мейросидан баҳраманд бўлдилар.

Бетакор хикоялар муаллифи, ўткир сатира ва юмор руҳида яратилган драма ва комедиялар ижодкори Абдулла Қаҳҳор ўлмас асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшди ва ўзбек адабиёти шухратини дунёга танитди. Адибнинг биргина "Анор" ҳикояси 56 тилга таржима қилинганлиги ҳам ана шу фикрнинг ёрқин далилидир.

Вилоят халқ таълими бошқармаси вакили Ж.Кўчқоров ҳамда Кармандаги Мир Саид

Баҳром маҳалласи вакили Х.Умаровлар Ахборот-ресурс марказининг маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги ижобий самара бераётганлиги ҳақида гапирди.

Анжуманда Одил Хотамов, Салима Умарова каби ижодкорлар буюк адибга бағишланган шеърларидан ўқидилар. Шундан сўнг Ахборот-ресурс марказида анъанага айланиб бораётган фаол китобхонларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Феруза Насриддинова, Гулшан Абдурахмонова ва Зебунисо Шукурова каби фаол китобхонларга марказнинг "Фахрий ёрлик"лари топширилди.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуманнинг қизиқарли ўтишида Ахборот-ресурс маркази директори ўринбосари Жамила Бақоева ҳамда китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири Шоира Ашурматоваларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Маруса ХОСИЛОВА,  
«Хабар»нинг Навоий  
вилоятидаги мухбири

SEMINAR

Кадрлар тизимини  
марказлаштириш  
истиқболлари

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖда "Почта алоқаси соҳасида меҳнат қонунчилигининг қўлланилиши ҳамда кадрлар тизимини марказлаштириш истиқболлари" мавзусида икки кунлик ўқув семинари ўтказилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб, жамият таркибидаги филиалларда кадрлар хизматини марказлаштириш, корпоратив бошқарув тизими асосида ходимларни бошқариш, амалдаги меҳнат қонунчилиги нормаларига риоя қилган ҳолда иш юритиш, ходимлар маълумоти ошириш, қайта тайёрлаш, улар захирасини шакллантириш йўналишида катта имкониятлар яратилади. Семинарда кадрлар тизимини марказлаштириш истиқболлари ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва меъририй ҳужжатлар асосида иш юритиш юзасидан иштирокчиларга тегишли кўрсатма ҳамда тавсиялар берилди.

Тожимурод ХУҲАҚУЛОВ,  
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ  
бўлим бошлиғи

Андижонда чўлпонхонлик ўтказиш анъанага айланган. Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган бу йилги чўлпонхонликда адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Собиржон Мирвалиев ҳамда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али иштирок этишди.

Хотира  
уйғонса гўзалдир

Кеча аввалида вилоят ҳокими ёрдамчиси А.Нурматов сўзга чиқиб, қатнашчиларни қутлади. Адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Собир Мирвалиев ўз сўзларида буюк шоирга алоқадор янги маълумотлар ҳақида гапирди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, санъат арбоби Олимжон Холдор, Чўлпоннинг жияни Хотамжон Мирзақоновлар ҳам шоир тўғрисидаги хотираларидан сўзладилар. Йиғилганлар Замира Рўзиева, Қобил Мирзо, Муштарий каби шоирларнинг шеърларини мириқиб тингладилар. Кечада хушовоз хонандалар Авазбек Маҳмудов, Турсунбой Парпиев ва Рустам Гофуровларнинг кўшиқлари янгради.

Шу кунди Андижон давлат университетиде таниқли ўзбек шоири ва адабиётшунос олими, "Тўрғай", "Кенгликлар", "Яшил сабо", "Муҳаббат шеваси", "Соғинч довони", "Кўксимдаги ҳақиқат" каби шеърий, "XX аср ўзбек адабиёти", "Нури манзиллар", "Шеър — қалб ёлқини" сингари илмий китоблар муаллифи Исмоил Тулак таваллудининг 60 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Кечани Андижон давлат университетининг доценти, шоир Ҳалим Карим кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Тадбирда Наим Каримов, Собиржон Мирвалиев, Муҳаммад Али, Тулан Низом, Қамчибек Кенжа, Абдулхамид Нурмонов, Наби Жалолдидин, Хуршидабдиновлар шоирнинг ижоди ва ўзига хос инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритишди. Кечада шоирнинг узок йиллик меҳнатлари ҳаммаси "Эрк шабадалари" сайланмаси тақдими га ҳам бўлиб ўтди. Университетнинг бир гуруҳ талабалари шоир шеърларини ёддан айтишди.

Шоирнинг рафиқаси Зулайхо опа сўзга чиқиб, кеча ташкилотчилари — вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда олийгоҳ жамоаларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Восит АҲМАДХОНОВ,  
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Хикмат

Ҳеч ким ўлимга чап бера олмайди, лекин одамлар буюк ишлари билан ўзларига шундай ҳайкал қурадиларки, бу ҳайкал кўёш тургунча туради.

У.ФОЛКНЕР

QILMISH-QIDIRMISH

"Фарғона Телеком" филиали алоқа кабелларининг ўғирланишидан 2005 йилда 8 млн., 2006 йилда 36 млн., шу йилнинг ўтган даври мобайнида эса 18 млн. сўмдан зиёд зарар кўрди. Суд ишлари билан танишсангиз, қинғир ишга қўл урганларнинг аксарияти ёшлар эканлигидан ачинасиз.

Жаҳонгир Турғунов худди шундайлар сирасига кирди. У ёш, бақувват — бу унинг ягона фазилати. Бироқ Жаҳонгир бу "бойлик" ўзини камолга етказиш учун берилган инъом эканлиги тўғрисида ҳеч қачон жиддий ўйлаб кўрмаган. Акс ҳолда, жиноят кўчасига кирмаган бўларди. У 1983 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, фуқаролиги йўқ шахс, уйланмаган, ишсиз.

2006 йилнинг 3 январидан 4 январига ўтар кечаси Фарғона шаҳри, Ойбек кўчаси, 8-а уй ертўласидан Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламасига қарашли умумий нархи 92720 сўмлик ТПП 30-2 русумли 80 метр телефон кабелларини талон-тарож қилган Жаҳонгир бу "иш" ҳеч қандай қаршиликсиз, хамирдан қил суғургандек битгандан ўзиде йўқ шод эди. Энди бир гайратига ўн гайрат қўшилиб, Пушकिन кўчасидаги 52-а уй ертўласига равона бўлди. Бу ерда ҳам иши бароридан келди. Кўп қаватли уй хонадонларида ҳамма ширин уйкудалигиде юқорида тилга олинган русум-

ЕРТЎЛАДА НИМА БОР, "МЕҲМОН"?

даги 35 метрли кабелларни "силлиқина" суғуриб олди. Бошқача қилиб айтганда, умумий нархи 40593 сўмлик мулкни талон-тарож қилди.

"Тажриба"си ошиб қолган Ж.Турғунов "фаолияти"ни давом эттирди. 19 январ кунди Алишер Навоий кўчасидаги 66-а ва 64-а уйлارнинг ертўласидан жами 96 метр турли русумли телефон кабелларини ўмарди. Эртасига эса роппароса соат 14.00ларда яна жиноят содир этди. Бу гал шу кўчадаги 86-а уй ертўласидан жами 15 метр ТПП 20-2 русумли телефон кабелларини ўғирлади. Узининг жиноий харақатлари билан у Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламасига 199816 сўмлик зарар етказди. Яхшиямки, боғлама ходими Зукридин Фаниев хушёрлик қилиб, Ж.Турғуновни тўхтатиб қолди. Акс ҳолда... Ушбу иш бўйича йи-

рилган барча далиллар ўз тасдиғини топди.

Суд Ж.Турғуновга жазо тайинлашда унинг айбига иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини инобатга олди. Унга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдориде жарима жазосини, Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламасига етказилган моддий зарар эса ундирлишини тайинлади.

\*\*\*

Илгари бир марта судланган Карим Қобулов ҳамда тўрт марта судланган Ринат Мухамедовлар ҳам кабел ўғирлаш жиноятига қўл урдилар. Иккаласи ҳам оилали, ҳеч қаерда ишламайдилар.

2006 йилнинг 6 ноябрдан 7 ноябрга ўтар кечаси тахминан 02.00да К.Қобулов Фарғона шаҳри, Уйғун кўчасидаги телефон кабеллари кудугининг

копқоғини очиб, 100 метр ТПП 100x2 русумли, қиймати 140900 сўмлик кабелни темир кескичда кесиб, ўғирлаб уйига олиб келади. Ўров материалдан тозалай бошлаган чоғида Р.Мухамедов келиб кабеллар ўғирланганини айтишса-да, танишига ёрдамлаша-

225334 сўмлик 115 метр телефон кабелларини ўғирлаб фарғоналик Г.Мўминовага 20000 сўмга пуллашади.

Фарғона шаҳар ИИБ ходимларининг харақатлари туфайли К.Қобулов кабел симлари, изоляция ўрови (обмотка) ва темир кескич каби ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Судда сўроқ қилинган ўғри ошналарнинг айблари бўйнига қўйилди. Улар ҳарчанд уринмасинлар жазодан қутулиб кетолмадилар. К.Қобулов 5 йиллик, Р.Мухамедов 6 йил 3 ойлик умрини панжара ортида, қаттиқ тартибли колонияда ўтказадиган бўлди.

Улар қонун олдида жавоб беришди. Аммо кабел ўғриликларига чек қўйилмапти. Қачонки, "Фарғона Телеком" филиали ва вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлиқда олиб бораётган ишларга кенг жамоатчилик ҳам қўшилсагина қутулган самарага эришиш мумкин. Бу борада маҳалла йиғинларида, барча ўқув муассасаларида, турар-жой биноларида тушунтириш ишларини кучайтириш даркор.

Телефон алоқаси хизмати мамлакатимиз иқтисодийтини юксалтиришда жуда муҳим соҳа. Демак, ҳар биримиз ушбу хизматнинг узлуksизлиги учун масъул эканлигимизни унутмайлик.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
«Хабар»нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири

Одним из механизмов управления и регулирования в области обеспечения безопасности, целостности и устойчивого функционирования сетей телекоммуникаций страны является сертификация технических средств телекоммуникаций (ТСТ).

народных, межгосударственных, республиканских и отраслевых стандартов);

- создание справедливых условий на рынке телекоммуникации юридическим и физическим лицам, реализующим ТСТ;

Основной задачей СМК в ОС ТСТ и СИЦ ТСТ является непрерывное совершенствование выполняемых процедур и процессов, что позволяет постоянно повышать качество предоставляемых услуг по сертификации. Внедренная СМК охватывает орга-

## СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

### Органа по сертификации и Сертификационного испытательного центра ТСТ

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О телекоммуникациях» технические средства телекоммуникаций, в том числе оконечное (терминальное) оборудование, используемое на сетях телекоммуникаций, подлежат сертификации на соответствие установленным стандартам, техническим условиям и иным нормам в соответствии с законодательством.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О сертификации продукции и услуг» создана Национальная система сертификации (НСС Уз), которая действует на государственном уровне, располагает собственными правилами процедуры и управления для проведения сертификации. Уполномоченным органом НСС Уз определен агентству «Узстандарт».

Основные процедуры сертификации ТСТ регламентированы нормативными документами НСС Уз и Системы сертификации технических средств телекоммуникаций, которые зарегистрированы в установленном порядке в агентстве «Узстандарт».

В Системе сертификации технических средств телекоммуникаций разработаны и введены в действие целый ряд нормативных документов, основные из которых зарегистрированы в НСС Уз.

В целях создания благоприятных условий для субъектов малого и среднего бизнеса, обеспечения защиты прав потребителей продукции и услуг, а также в соответствии с требованиями Постановления Кабинета Министров № 318 от 06.07.2004г. «О дополнительных мерах по упрощению процедуры сертификации продукции» были пересмотрены процедуры проведения сертификации ТСТ.

Весь комплекс работ по сертификации ТСТ осуществляют Орган по сертификации (ОС ТСТ) и Сертификационный испытательный центр технических средств телекоммуникаций (СИЦ ТСТ), аккредитованные в установленном порядке при Центре научно-технических и маркетинговых исследований (ЦНТМИ) Узбекского агентства связи и информатизации.

ОС ТСТ располагает необходимым фондом нормативной, методической и технической документации, достаточным для проведения процедур сертификации ТСТ согласно области аккредитации.

Область аккредитации ОС ТСТ и СИЦ ТСТ охватывает различные виды испытаний ТСТ на соответствие требованиям безопасности, электромагнитной совместимости, а также на соответствие технических характеристик всех типов цифровых систем коммутации (ЦСК), цифровых систем передачи (ЦСП), радиотехнических средств (РТС), кабелей связи (включая оптические кабели) и абонентских терминальных устройств (АТУ) требованиям целостности, устойчивости и совместимости сетей телекоммуникаций страны.

Сертификация ТСТ направлена на: - недопустимость реализации и применения ТСТ, хранение, монтаж и эксплуатация которых могут быть опасными для жизни, здоровья людей и их имущества, а также могут нанести вред окружающей среде;

- определение соответствия параметров и характеристик ТСТ обязательным требованиям нормативных документов, действующих в РУз (между-



- защиту потребителей (население и предприятия) от приобретения импортных и отечественных ТСТ с техническими характеристиками, несоответствующими требованиям действующих нормативных документов.

В ОС ТСТ и СИЦ ТСТ работают высококвалифицированные специалисты, прошедшие соответствующие стажировки в НИИ СМС агентства «Узстандарт» и в зарубежных признанных на международном уровне учебных центрах и испытательных лабораториях, в том числе в испытательных центрах Российской Федерации, имеющих большой опыт в области подтверждения соответствия телекоммуникационного оборудования нового поколения.

В настоящее время в ОС ТСТ и СИЦ ТСТ работают три аттестованных эксперта-аудитора и пять кандидатов в эксперта-аудитора НСС Уз.

СИЦ ТСТ оснащен современными средствами измерений (СИ) и испытательным оборудованием, что позволяет обеспечить быстрое и качественное проведение сертификационных испытаний.

За более чем десятилетний период своей деятельности ОС ТСТ и СИЦ ТСТ проведена сертификация свыше 800 различных типов технических средств телекоммуникаций, поставляемых в Узбекистан такими известными компаниями как: «Italtel» (Италия); «Siemens AG» (Германия); «Alcatel Sel AG» (Германия); «Daewoo Telecom» (Южная Корея); «Ericsson» (Швеция); «Motorola» (США); «Nokia» (Финляндия); «NEC Corporation» (Япония); «YUASA Corporation» (Япония); «Morion» (Российская Федерация); «Nortel Networks» (Канада); «Huawei Technologies Co., Ltd» (Китай); «Iskra» (Словения); «Harris Corporation» (США); «ZTE» (Китай) и т.д.

Для обеспечения высокого уровня оказания услуг по сертификации и управления деятельностью в ОС ТСТ и СИЦ ТСТ разработана, документально оформлена и внедрена Система менеджмента качества (СМК), соответствующая требованиям международных стандартов серии ИСО 9000:2000.

По специализации «Система менеджмента качества организации» обучены руководители и специалисты ОС и СИЦ ТСТ.

Закономерным итогом проделанной работы по совершенствованию СМК в ОС ТСТ и СИЦ ТСТ явилась успешная ее сертификация в 2006 году в соответствии с требованиями международного стандарта ИСО 9001:2000 (O'zDSt ISO 9001:2002).

низационную структуру ОС ТСТ и СИЦ ТСТ, документацию, процессы и ресурсы, используемые для достижения поставленных целей в области обеспечения качества работ по оказанию услуг сертификации.

Для обеспечения непрерывного улучшения качества предоставляемых услуг и повышения их конкурентоспособности в ОС ТСТ и СИЦ ТСТ внедрена система обратной связи с потребителями услуг сертификации. Для этого используется метод анкетирования, благодаря чему создана возможность установления и анализа удовлетворенности всех потребителей.

В настоящее время продолжают работы по развитию внедренной СМК. Среди поставленных задач на 2007 год в области обеспечения качества услуг сертификации предусмотрено дальнейшее развитие испытательной базы СИЦ ТСТ. Для этого прорабатываются вопросы приобретения современных СИ, дальнейшего повышения квалификации персонала ОС ТСТ и СИЦ ТСТ, расширение взаимодействия с соответствующими подразделениями агентства «Узстандарт» с целью организации стажировок экспертов-аудиторов и кандидатов в эксперта-аудитора.

В планы дальнейшего совершенствования действующей СМК ОС ТСТ и СИЦ ТСТ входит осуществление самооценки на основе требований международных стандартов ИСО 9004 и ИСО/МЭК 65, учет требований новой редакции международного стандарта ИСО/МЭК 17025.

Одной из перспективных задач стоящих перед ОС ТСТ и СИЦ ТСТ в ближайшем будущем является получение международного признания, т.е. такого статуса, который позволит обеспечить признание выданных ОС ТСТ сертификатов Республики Узбекистан в зарубежных странах.

Для достижения этой цели в настоящее время проводится обучение специалистов ОС ТСТ и СИЦ ТСТ в НИИ ГМС и других соответствующих организациях по курсу «Общие требования к органам по сертификации продукции» ИСО/МЭК 65 и «Общие требования к компетентности испытательных и калибровочных лабораторий» ИСО/МЭК 17025, а также пересматриваются необходимые документы СМК ОС ТСТ и СИЦ ТСТ с учетом требований международных стандартов ИСО/МЭК 65 и ИСО/МЭК 17025.

Запланировано закончить подготовительные работы к концу 2008 года и в начале 2009 года, предоставить Международному Органу аккредитации необходимую документацию для получения ОС ТСТ и СИЦ ТСТ аттестата аккредитации.

**Р. ИСАЕВ,**  
первый заместитель директора ЦНТМИ, Руководитель ОС ТСТ, к.т.н., доцент, эксперт-аудитор НСС Уз.

### Интернет весит меньше 50 грамм

В прошлом году считалось, что все электроны интернета весят 50 грамм, но другой метод вычисления дает результат в 10 миллионов раз меньше.

Первый метод предложил в прошлом году Рассел Сейц (Russell Seitz). Он вычислял вес всех активных электронов Сети, исходя из средних значений количества серверов (75-100 миллионов), их потребляемой мощности (350-500W), среднего напряжения в логических схемах (3V) и частоты работы этих схем (1GHz). В результате у него получилось, что «для работы всемирной Сети необходимо около 50 грамм электронов».

В этом году журнал Discover тоже решил подсчитать вес интернета, но другим способом. Для хранения одного бита на чипе памяти требуется 40.000 электронов. Число «заполненных» битов (единиц) в каждом байте - в среднем четыре. Все это умножается на общий объем данных, которые передаются сейчас в интернете (40 Петабайт). В результате выходит около 5 микрограмм.

Правда, при таком расчете получается вес «статичного» интернета: когда электроны начинают двигаться, их вес растет. Так что истина где-то посередине. И к тому же, вес интернета меняется в зависимости от того, как много людей им пользуются.

В любом случае, как отмечает The Guardian, эти ничтожные микрограммы электронов интернета являются самой дорогой субстанцией из всего, что покупают жители Земли.

### GPS для фотоаппаратов



Компания Projoivan выпустила интересный аксессуар для цифровых камер Nikon. Это GPS-приемник, который крепится к камере вместо вспышки и в тот момент, когда вы делаете фотографию, записывает координаты места, на котором она была сделана. Это позволяет, во-первых, запомнить, что, когда и, главное, где вы сфотографировали, а также утереть нос всем, кто скажет, что это «фотошоп».

### Самые дорогие мобильники

Что бы мог подумать, что в эру высоких технологий мобильный телефон может стоить больше, чем дом в фешенебельном районе Лос-Анджелеса. А ведь трубка от Ancort за \$1,3 млн - это реальность. Хотя для бедных предлагаются девайсы попроще. К примеру, Ericsson Black Diamond за \$300 тысяч или Mobiado всего за \$4500.



Diamond Crypto Smartphone Все его части отлиты из чистой платины 950 пробы. Стоимость смартфона - 1,3 млн долларов

#### АФОРИЗМ

**Мне в этой жизни не любовь ценна,  
Быть человеком - вот мечта одна.**

**Алишер НАВОИ**



# Хабар +tv

## ОТРАБОТКА

5.35 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.45 "Тақдиримиз".  
8.50 Оттин мерос.  
"Боқар сайрағи".  
9.00 1. "Сехданган қўғ". Бешинчи фильм.  
2. "Қанду айвағнинг қўссалари".  
Мультипликация.  
10.50 "Самарқанд - 2750".  
10.55 Дунё исломи.  
11.00 "Азборот".  
11.15 "Оттин бешик".  
11.45 "Оттин эриши".  
12.05 "Жайрағи келиб". Муқддий нимадани муқддий драма театрининг спектакли.  
13.45 Оттин мерос.  
13.55 Дунё исломи.  
14.00 "Азборот".  
14.20 "Онам ва олам" дастури.  
15.10 "Хайт минаралари".  
15.20 "Ватанларим".  
16.20 "Обод минаралар".  
"Боқар сайрағи".  
16.40 "Эртаслар - эрданликка етаслар".  
17.00 "Азборот".  
17.15 Оттин мерос.  
17.25 "Юртин бўйлаб" дастури.  
"Ўзбекистон қўрсатқичлари".  
18.00 "Маркетинг - 2007".  
18.05 "Давлат оғуши".  
18.15 "Агар Сиз".  
18.35 "Минг бир ривож".  
18.40 "Ошан". Телесериял.  
19.10 "Санинг адвокатиңиз".  
19.15 "Малия ва банк хабарлари".  
19.20 Дунё исломи.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 "Азборот" (рус тилида).  
20.05 "ТВ шифоғи".  
20.10 "Ичкишар". Телесериял (Туркия).  
20.50 Дунё исломи.  
21.00 "Азборот".  
21.40 "Ниса дар оралиқда". 1-қисм.  
22.00 "Музаббат гушак". Телесериял премьераси (Корея).  
23.00 (SMS, Овоқ бериш).  
23.10 "Ниса дар оралиқда". Т/с/ (Хиндистон).  
23.55-24.00 Тунги янговлар.  
"Либакидан".  
24.00 Кўрсатувлар дастури.  
00.10 "Юртин бўйлаб" дастури.  
"Ўзбекистон қўрсатқичлари".  
00.45 "Хайт минаралари".  
00.55 Дунё исломи.  
01.00 "Азборот". Информацион дастури.  
01.35 Оттин мерос.  
01.45 "Чемпион саркари".  
02.05 "Муқаддас пелликар". Спектакль.  
03.30 "Самарқанд-2750".  
03.55 Дунё исломи.  
04.00 "Азборот". Информацион дастури.  
04.35 "Юртин бўйлаб" дастури. "Ниса дар оралиқда".  
04.55 "Маркетинг - 2007".  
05.00 "Минг бир ривож".  
05.05 Миллий сериал: "Имом Бухорий".  
05.50-5.55 Тонинг янговлар.



## ДУШАНБА — 18 ИЮН

18.20 "Кино-SMS".  
18.25 "УИХ хабарлари".  
18.35 "Егад мулки".  
18.55 "Иқлим".  
19.00 "ДАВР".  
19.30 "Қор алаңлари". Сериал.  
20.10 "УИХ хабарлари".  
20.15 "Ошани қўрсатқичлари".  
20.20 "Хеч нимани ҳақида биттиқлар".  
20.30 "ТВ-блиц".  
20.40 "Эълонлар".  
20.50 "Эриш". Сериал.  
21.35 "Егаллик наволари".  
21.55 "Иқлим".  
22.00 "ДАВР".  
22.30 "SMS-муқаб". Телтон.  
22.50 "Туз ифрон". Сериал.  
23.40 - 23.50 "Таскив".

## ТЕЛЕВИЗИЯ

17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 Мультифильм "Шумиқалар".  
18.05 "Телекурер - маркет".  
18.30 "Пойтег" аборот дастури.  
18.50 "Галадиле". Телесериял.  
19.30 "Муқаб SMS".  
19.50 "Саломат бўлинг" (рус).  
20.00 "Пойтег" аборот дастури (рус).  
20.15 "ТВ юрис".  
20.20 "Вессал муқаб".  
20.50 "Интеграция" (рус).  
21.00 "Жойлаб".  
21.30 "Пойтег" аборот дастури.  
21.45 "ТВ юрис".  
21.50 "Телекурер - маркет".  
22.10 "Ага қисми".  
22.30 "Пойтег" аборот дастури (рус).  
22.45 "Кино SMS со алаҳиди".  
22.50 Кино: "Достой совет или меньше".  
00.05 - 00.10 Хайрага туш, шарим".

## ПРОГНОЗ

7.00 "Тоғроқ урғу".  
8.05 "Маллик".  
9.00 "Талкин".  
9.30 "Телестивия".  
10.00 "Версия".  
10.30 "Мониторинг".  
10.50 "Боқар спорт".  
11.10 - 11.30 "Кино нимага қарай".  
16.15 03.00 Легкая атлетика. Кубок Европы. Финал. Трансляция из Германии.  
20.00 Волейбол. Мировая лига. Мужчины. Россия - Куб. Трансляция из Канады.  
22.20 Профессиональный бокс. Хулио Сезар Гарса (Мексика) против Тома Браунинга (США). Трансляция из США.  
23.40 Конный спорт. Кубок Губернатора Московской области по конюству.  
01.00 Футбол. Премьер-лига. «Зенит» (Санкт-Петербург) - «Спартак» (Нальчик).

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA

Мустақиллик — улугъ неъмат! У бизга қадди тикликни, бағри бутликни ато этди. У бизга Ўзбекистон — она юртим, деб баралла айтишдек фахр берди. Истиқдол берган имкониятларнинг саногига етиш қийин. Қуйидаги ҳикоямиз мустақилликнинг шарофати туфайли орзу-умидлари ушалган, улкан ниятлар билан яшаётган ватандошларимиздан бири — «Ўздунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонаси Қашқадарё филиали директори Усмон ХУШВАҚТОВ ҳақида.



тимой ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, Бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи, Қарши шаҳар ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, 1990-1993 йиллари вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи лавозимида меҳнат қилди. Бу инсон қаерда ишлагани, бор куч ва билимини соҳани ривожлантиришга қаратди.

Бевосита У.Хушвақтовнинг раҳбарлигида Қарши шаҳрида биринчи радиореле станцияси ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида рангли теледастурларни тарқатиш ва узатишда муҳим аҳамиятга эга эди. Бирлашган шаҳар ва шаҳарлараро телефон станция-

матик шаҳарлараро телефон станцияси қурилишида ҳам Усмон Хушвақтовнинг меҳнати катта бўлди.

Алоқа ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳрида 100 хонадонли, Шаҳрисабз шаҳрида эса 16 хонадонли уй қурилиб, алоқачилар оилалари кўчириб ўтилди. Шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаб юрган кезларида Усмон Хушвақтов янги тураржой бинолари, мактаблар, тиббий муассасалар, вилоятдаги аэропорт биноси, темир йўл вокзали ва шу каби бошқа йирик иншоотларнинг қурилишида бош-қош бўлди.

Республикамиз вилоятлари орасида биринчилардан бўлиб 1993 йилда Қашқадарё вилоятига уяли алоқа тизимининг кириб келиши ҳамда фаолият кўрсатиши қаҳрамонимиз саъй-ҳаракати билан боғлиқ.

Усмон аканинг тинимсиз ҳаракати, изланишлари боис, 2003 йилдан янги GSM стандартида ишлайдиган қурилмалар ишга туширилди. Натижада алоқа доираси янада кенгайтирилиб, вилоят ҳудудининг 80 фоизини уяли алоқа тармоғи билан таъминлашга эришилди. Шу вақтгача вилоятда ишга туширилган станциялар сони 40га яқинлашган бўлса, яқин даврда яна 20га яқин станция ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бу вилоятнинг 90 фоизидан ортқ ҳудудини шу алоқа тури билан таъминлаш демакдир.

Булар Усмон Хушвақтовнинг амалга оширган ишларидан айримлари, ҳолос. Кишиларга бўлган эътибори, ғамхўрлиги, ободонлаштиришга қўшган ҳиссаси-ю, вилоят алоқа соҳасини ривожлантиришдаги муносиб хизматларини айтимайсизми? Ана шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Усмон Хушвақтовни 2001 йилда «Мохир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирлади.

У кишининг ўнлаб шогирдлари бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишаётир. «От изини той босар» деганларидек, Усмон аканинг фарзандлари ҳам алоқачи касбини эгаллаганлар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
«Хабар»нинг Қашқадарё  
вилоятидаги муҳбири

# Омон-омон кунлар туйғуси



Усмон Хушвақтов собиқ тўзум даврида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Уша пайтлардаги буйруқбозлик, кўзбўямачиликларни, инсон кадр-қимматининг ерга урилишини ўз бошидан кечирди, дардини ичига ютди. Хайрият, омон-омон кунлар келди. Мустақиллик даври етди. Бу юртининг Усмон Хушвақтовлари қаддини тик тутди.

— Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш энг аввало, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишни талаб қилади, — дейди Усмон Хушвақтов. — Жамиятимизнинг келгуси ривожланиши, илмий-техника соҳасининг ўсиши ҳар бир иш жойида интизом ва ташкилотчиликни кучайтириш, бошқариш соҳаларини тақомиллаштиришни тақозо этади. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа, сониялар бизларни энг улугъ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг қутлугъ кунлари сари яқинлаштиряпти. Мамлакатимизнинг ҳар жабҳасида тўйга ҳозирлик қизгин олиб бориляпти. Зеро, бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир кишининг қалбида қувончу эҳтиросга тўла туйғулар жўш уради. Чунки, ўтган қисқа вақт ичида кўплаб ютуқларга эришдик. Ютуқларимиз олдида эсанқирамай, иқтисодиётни мустақамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтириш, озод Ватанимизни ганимлардан авайлаб-асраш, кишиларимиз онгида катта ўзгаришлар ясаб, янгича тафаккурни шакллантириш, айниқса, ёш авлодни аждодлар мероси, миллий қадриятлар ва замон руҳига мос тарбиялаб воғга етказиш олдимиздаги аниқ вазифалар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Асрлар мобайнида хурриятни орзу қилиб келган халқимиз бугун ўз иродасини, салоҳиятини намоён этмоқда. Ме-

нинг тақдиримда ҳам мустақилликнинг бениҳоя ўрни бор. Буларни мен жамоам эришаётган ютуқларда, фарзандларим камолида, қўл урган ишларимнинг самарасида, имкониятлар эшиги очилганида, юртимизнинг дунёдаги тарақий этган давлатлар билан бўйлашаётганлигида кўраман.

Усмон Хушвақтов 1951 йилнинг 1 февралда Қарши шаҳрида таваллуд топди. Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Қарши шаҳар алоқа идорасида монтерликдан бошлади. 1973 йилда Тошкент электротехника

алоқа институтини радиоалоқа ва радиоэшиттириш муҳандиси ихтисослиги бўйича тамомлаб, Самарканд РТУида муҳандис катта муҳандис, станция бошлиғи лавозимларида, 1976-1977 йилларда Қарши РТУида, сўнгра Қашқадарё вилоят радиоэшиттириш қўмитасида катта муҳандис лавозимларида ишлади. 1978-1982 йиллари Қарши шаҳар алоқа боғламасида бош муҳандис, 1982-1984 йиллари вилоят ишлаб чиқариш техника алоқа бошқармасида бош муҳандис, кейинчалик Қарши шаҳар иж-

сига раҳбарлик қилган даврида шаҳар телефон станцияси ҳамми 3,5 барабарга ошди, автотат телеграф станцияси ва ярим автомат транзит тармоғи ишга туширилди. «Қарши-Гузор-Қамаши-Шаҳрисабз» ва «Қарши-Бешкент-Жейнов-Касби» кабел магистраллари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Вилоятнинг бир неча туман марказларида замонавий алоқа уйлари қурилиб, ишга туширилди. Қарши шаҳрида республика аҳамиятига эга 1577 каналли «КВАРЦ» авто-



## Ёшларнинг ёш устози

Анджон алоқа касб-ҳунар коллежи муаллими Гулзодаҳон ҚОСИМОВА фаолияти давомида ҳар бир ўқувчига алоҳида меҳр билан муносабатда бўлади. Дарсларни чуқур илмий ва услубий тайёргарлик кўрган ҳолда, ижодий тарзда мазмунли ва жозибали ўтишга ҳаракат қилади.

Ўз устида ишлаши, изланувчанлиги, талабчанлиги натижасида ёшларнинг сеvimли устозига айланиб улгурган. Нафақат коллеж меҳнат жамоаси ўртасида, балки ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлиги педагоглари орасида қадр-қиммат топаётганилиги, ҳурмат-эъзозга муяссар бўлаётганилиги сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Бугунги кунда алоқа жиҳозларининг янгилаш шуръати тезлашиб бормоқда. «Анджон Телеком» филиали тизимида Жанубий Корея ва Хитой компанияларида ишлаб чиқарилган коммутация жиҳозлари ишлаб турибди. Япония лойиҳаси бўйича янги узатиш тармоқлари қурилганлиги вилоятимиз аҳолисининг янада

кўпроқ замонавий алоқа хизматларидан баҳраманд бўлишини таъминламоқда. Демак, келгусида янги алоқа жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш фақат янгиликка интилувчан ва билимли ёшларгагина насиб бўлиши, шубҳасиз. Бундай ёшлар эса Гулзодаҳон каби педагоглар қўлида тарбия топмоқда.

— Машгулотлар учун кўргазмали қуролларни ўқувчиларим билан бирга тайёрлаймиз, — дейди Г.Қосимова. — Дарсларни ўзлаштириш сифатини кўтариш учун янги педагогик технология — ноанъанавий усуллардан кенгрок фойдаланяпман. Дарс учун маърузалар, турли материалларни компютерда тайёрлайман. Қўшимча машгулотларда интернет маълумотларидан тушунчалар бериб бораман. Компютер тўғрисида ҳам сўхбатлашамиз.

Раҳмонжон УЗОҚОВ,  
«Хабар»нинг Анджон  
вилоятидаги муҳбири

СУРАТДА: Гулзодаҳон ҚОСИМОВА ўқувчилар билан дарс жараёнида.

TATU HAYOTIDAN

Олий таълим муассасалари талбалари ўртасида ҳар йили "Кувонқлар ва зукколар" кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган.

Бу йилги танловда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Д.Д.Д. (Довруғи дунёга дostonлар) жамоаси финал босқичига чиқди.

Талбалар истеъдоди ва иқтидорини катта сахнага олиб чиқиш хомийлик ташкилотига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг талбалар учун кўрсатган хомийлик кўмаги жамоанинг кўлга киритган муваффақиятларида пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Маҳфуза Йўлдошева, ТАТУ талабаси



Шаҳрисабздаги "Марс" илмий маркази филиали сифатида иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан, Денов туманидаги жамоалар орасидан ўз ўрнимизни топдик.

ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Энг муҳими, биз компютерлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бу борада берилган буюртмалар ўз вақтида бажарилмоқда.

Илмий марказимиз шаҳобчалари тобора кўпайиб бормоқда. Яқин орада Олтинсой туманида ҳам филиалимизга эга бўламиз. Бундай кенг қамровли фаолият нафақат замонавий ахборот технологияларининг турмушга изчил кириб боришига, балки марказимиз иқтисодига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хозир кўпчилик қўл телефонига эга. Бунга инобатга олиб, бундай телефонларни таъмирлаш бўлимини очдик. Тадбиркорлигимиз кўл келди. Эҳтиёжмандлар хизматимиздан кенг фойдаланишмоқда, ақтиёт қисмлар сотилган дўконимиз ҳам ҳар кунги гавжум.

Шойим ЖУМАЕВ, Денов туманидаги "Сурхон" илмий маркази раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми"нинг 48-бандига асосан, 2007 йил 7 июндан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши қайта тикланди:


п "Ўзгал-Тўртқўл" кўп тармоқли фирмасининг (Тўртқўл шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001411 рақамли;

п Шаҳрисабз телевидениесининг (Шаҳрисабз шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001495 рақамли;

п "ТТВ Тўртқўл телевидениесининг" (Тўртқўл шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001528 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми"нинг 49-бандига асосан, «JEF» масъуляти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001354 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 7 июндан тўхтатилди.

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!



Лицензияланган таълим ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидаги сифатли кадрлар тайёрлаш! «Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

«ЭФФЕКТ - МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи куйидаги интенсив ўқув бўлимларига тақдир қилади:

I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:

(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар) — Бухгалтер-молиячи (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).

— 1С бухгалтерия программаси — 1 ой, тезкор — 8 кун, 60 минг сўм. Яқка тартибда.

— 1С бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати — шартнома асосида.

— Урта ва кичик бизнес раҳбари — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компютер, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, бошқарув тактикаси). Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм.

— Кадрлар иши — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қонунчилиги). — Секретарь-референт — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм, (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. Компютер технологиялари бўлими:

(фақат яқка тартибда)

— Компютерда офис ишлари (бошловчилар учун тулик курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.

— INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун, 15 минг сўм.

— Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AutoCAD, FlashMX, PageMaker, (видеомонтаж) AdobePremier дастури. 1 ой, 35 — 50 минг сўмдан.

— WEB сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

— Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой, 40 минг сўм.

— Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, 40 минг сўм.

— Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI) — 3 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.

— SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси — 2 ой, 1 ойга — 60 минг сўм.

— Уяли телефонни таъмирлаш — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.

— Программаларни ўрнатиш, компютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизматлари.

III. Тилларни мукамал ўрганиш бўлими:

(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

— Инглиз тили — (бошловчилар учун) — 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

— Немис тили, француз тили ва корейс тили — (тулик курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

— Рус тили — (бошловчилар учун) — 4 ой, (давом эттирувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

IV. Йиғит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:

(фақат кичик гуруҳларда)

— Саргарош-стилист, педикюр-маникюр (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.

— Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул ясаш ва чизиш (яқка тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.

— Косметолог-визажист — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.

— Тиббиёт ҳамшираси, массажчи (компютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. Ўқиш поликлиникада, тезкор — 3 ой.

— Фармацевтика (компютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқиш дорихонада), тезкор — 3 ой.

— Кийимларни тиқиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.

— Астарли устки кийимлар тиқиш — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.

— Тўй ва оқшом кўйлақларини тиқиш — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.

— Газламалардан гуллар ясаш — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 10 кун.

— Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи (олий курси б-н) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда), тезкор — 1 ой.

— Бисер усулида каштачи-безакчи — (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.

— Бисер асосида дизайн — (яқка тартибда) — 2 ой, 1— ойга 20 минг сўм.

— Машинкада ва қўлда кашта тиқиш (вишивка)-муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (яқка тартибда).

— Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш — 2 ой, 1—ойга 15 минг сўм

— Уйғур, миллий ва европа таомлари (50 дан ортқ овқатлар) — 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.

— Пазандалик — (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой

Тортларни олий даражада безатиш санъати — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

— Заргарлик — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Яқка тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.

Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ҳужжат топширган ҳолатда қўйиладиган бўлади.

Стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан «устоз-шоғирдил» асосида, қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир маззунини ўзлаштирмасдан кейингисига ўтилмайди. Натияжада амалиётда беъмалол ишлаб кета оласиз!

Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра лицензияланган диплом берилади.

Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. Ётоқхона — 1 ойга 25000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115)

Келиш йўли: метронинг Минар, автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри бекати.

Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

30 йилдан ортқ касб-ҳунар!!!

Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

**Бозор муносабатлари шароитида давлат тизимининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни тартибга солиш борасидаги асосий функционал вазифаси шахс, мол-мулкка эгаллик қилиш ва тадбиркорлик эркинлигини ҳимоялашдан иборат бўлади.**

- инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур ҳуқуқий базани (айниқса, инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқини ва умуман интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш) яратиш;

- инновацион фаолиятнинг нормал кечиши учун зарур кадр-

рини шакллантириш эҳтиёжи илм-фан соҳасини молиялаштиришнинг мавжуд механизми тубдан ислоҳ қилишни тақозо этди.

Ҳозирги пайтда республика-миз олий таълим тизимида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг қуйидаги шакл-

тузилмаларни ривожлантиришдан иборатдир. Айнан шу каби тузилмалар фаолияти орқали илм-фан ютуқларини кенг қўламда амалиётга татбиқ этиш мумкин.

Республика-миз олий ўқув юртлари қошида инновацион марказлар ва бошқа ташкилий тузилмаларни, илмий-техник соҳадаги кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кулай муҳитнинг шакллантирилиши ва илм-фан соҳасида инновацион фаолиятнинг рағбатлантирилиши ўзига хос инструмент сифатида ишлатилиши туфайли илмий ходимларнинг, новатор-кашфиётчиларнинг меҳнат мотивациясини кучайтиришга, илмий ишларнинг натижаларига нисбатан мавжуд талаб даражасини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Давлат миқёсида инновацион сиёсатнинг амалга оширилиши ва инновацион фаолиятнинг бошқарилиши халқорик миқёсидаги илмий-техник ҳамкорлик жараёнларини тартибга солишнинг энг олий шакли ҳисобланади. Бундай фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун давлат органлари биринчи галда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда амалга оширилаётган инновацион сиёсат қай даражада устувор аҳамиятга эга бўлиши, инновацион фаолиятнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиши зарур.

**Тўлқин ТИШАБОВЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурлидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг 2-босқич талабаси**

# Инновацион жараёнлар

Миллий иқтисодийётни ривожлантириш учун мамлакатимизнинг илмий-техник ва инновацион потенциални барқарор сақлаш ҳамда ривожлантириш зарур. Бунинг учун қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

- миллий иқтисодийётимизнинг турли соҳаларида тўпланган илмий-техник потенциални реструктуризациялаштириш;
- илм-фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш учун лизинг механизмларини жадал ривожлантириш;
- мамлакат миқёсида яратилаётган инновацион лойиҳаларни рўёбга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни мувофиқлаштириб, бошқариб борадиган махсус инновацион марказларни яратиш;
- инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни рўёбга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни режалаштирадиган, кейинчалик ушбу фаолиятни бошқариб турадиган энг билимли, тажрибали, профессионал илмий-техник ходимлар, олимлар ва мутахассислардан таркиб топадиган институти яратиш ва ҳоказолар.
- Бизнинг назаримизда, молия, нарх-наволарни ва пул муомаласини тартибга солиш, такорол ишлаб чиқариш ва бошқа

соҳаларда амалга оширилаётган давлат сиёсатини юритиш учун асос бўладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник прогнозлар, давлат миқёсида иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш дастурлари, балланслари ва модели, давлат буюртмалари ва замонавий контракт тизимлари ва ҳоказолар инновацион фаолият соҳасини давлат миқёсида тартибга солиш воситаларига айлантирилиши мумкин.

Инновацион фаолият соҳасида давлат органлари амалга ошириши лозим бўладиган асосий чора-тадбирлар жумласига аксарият иқтисодчилар қуйидагиларни киритади:

- турли хил илмий изланишларни ва инновацияларни амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағларни аккумуляциялаш;
- инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;
- инновацияларни рағбатлантириш, инновация соҳасида рақобатчиликни кучайтириш, инновацион рискларни сугурталаш, маънавий жиҳатдан эскириб қолган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан давлат томонидан жазоо санкцияларни қўллаш;

лар таъминотига аҳамият бериш ва бошқалар.

Бозор муносабатларининг шакллантирилиши муносабати билан илм-фан соҳасини молиялаштириш тизими тубдан ўзгартирилди. Илгари амал қилган тизимнинг асосий камчилиги шунда эдики, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағлар мазкур жараённинг пировард натижаси билан ҳеч қандай боғланмасди. Инновацион фаолият юритиш учун ажратилаётган маблағлар аванс тариқасида бериларди. Илмий изланишларни амалга ошириш учун кредит ажратиш механизмидан етарли даражада самарали фойдаланилмади. Бундай вазиятда молиявий механизм пасив рол ўйнади, яъни инновацион фаолият самардорлиги қандайлигидан қатъи назар маблағлар ўзлаштирилиб келинган. Бозор муносабати-

лари амал қилмоқда:

- илмий тадқиқот ишларини мавзуй режаларга мувофиқ молиялаштириш;
- турли хил илмий-техник дастурларни молиялаштириш;
- грантлар тизимига мувофиқ молиялаштириш.

Илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган йиллик молиявий режа асосида молиялаштирилади.

Илмий тадқиқот ишлари шартнома асосида ҳўжалик фаолиятни амалга оширувчи ва бошқа субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига ҳам бажарилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу турли хил инновацион марказларни, технологик паркларни, бизнес инкубатор ва бошқа шу хилдаги

**Давлат миқёсида инновацион сиёсатнинг амалга оширилиши ва инновацион фаолиятнинг бошқарилиши халқорик миқёсидаги илмий-техник ҳамкорлик жараёнларини тартибга солишнинг энг олий шакли ҳисобланади.**

## ORAMIZDAGI ODAMLAR

# Менинг шундай отам бор...

Отам 1954 йили Тошкент азимининг Самарқанд дарвозасида жойлашган Каттабоғ маҳалласида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келган. Оталари Қобилжон ака уруш бошланиб қолганлиги сабабли Фармацевтика институтини 2-босқичда ташлаб, оила боқиш учун ишга қирадилар ва умрларининг поёнига қадар республика санитария ва эпидемиология марказида ҳўжалик мудир сифатида иш юритган. Илмга чанқоқлик отамга у кишидан мерос. Уларни ўқишларини ниҳоятсига еткази олмаганликлари сабабли, уч ўғилни олий маълумот олишига ундайдилар.

Оталари Мехрихон ая 1-Тошкент босмахонасида ишлаб, меҳнат фахрийси сифатида нафақага чиққанлар. Бу дуоғуй, ширинзабон, меҳридарё онахон ҳозирда набираларининг тарбияси билан бандлар.

Отам ёшлиқлариданок ўз қобилиятлари, зийракликлари, тиришқоқликлари ва илмга чанқоқликлари билан тенгдошлари орасида ажралиб турар эканлар. Мактаб давридаги физика ва математика фанларига уйғонган қизиқш уларни ўқувчилар саройидаги "Ёш радиоошиқибоз" тўғрагага етаклаб борарди.

1971 йили 141-ўрта мактабин олтин медал билан битириб, Тошкент электротехника алоқа институтига ҳўжат топширадilar. Тақдирин қарангки, бу олийгоҳ томон қўйилган биринчи қадамнинг ўзидаёқ улар бўлғуси устозлари билан тўнхаш келдилар. У киши отамдан физика фани бўйича кириш имтиҳонини қабул қиларди. Бу инсон отамнинг қаттиққўл, лекин қўнгли тоза, теран фикрли устози, доцент Иля Андреев эди. Отамнинг малакали мутахассис бўлиб етишишларида бу инсоннинг роли беқийсдир.

Талабаликда олиб борилган изланишлар, устоз раҳбарлигида диплом ишини муваффақият билан ёқлаш у раҳбарлик қилган "Электрон ва квант асбоблари" қафедрасида ассистент бўлиб ишда қилишига сабаб бўлди.

1978 йилда институт раҳбарияти отамни собик Ленинграддаги А.Ф.И.оффе номидаги физика-техника институтига икки йилга илмий сафарга юборарди. Отамга у ерда ҳам омад кулиб бокди. Чунки уларга академик, ҳозир Халқорик Нобел мукофотининг совриндори Жорес Анфёровдек устоз раҳбарлик қилаётган лабораторияда ишлаш бахти насиб этди. Бу лабораторияда илмий гуруҳ жамланган бўлиб, улар концентранган кўёш нуруни бевосита электр токига айлантириб берувчи кўёш элементларини яратиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланадилар. Бу илмий ишларга бўлган қизиқш отамни аспирантурада ўқишга ундади. 1982 йилда улар Гетеротузилма асосида концентранган кўёш нуридан фотоэлектр токини ҳўсил қилиш мавзусидаги номзодлик диссертациясини муддатидан аввал ҳимоя қилдилар ва бунинг учун 1984 йили собик иттифокда ёш олимлар учун жорий қилинган энг нуфузли давлат унвонига сазовор бўлдилар.

Тошкентга қайтгач, меҳнат фаолиятларини "Электрон ва квант асбоблари" қафедрасида ассистентликдан бошлаб, тиришқоқликлари, тимисиз илмий изланишлари, ташаббускорликлари, талабаларнинг илмий савиясини оширишдаги меҳнатлари туфайли жамоа меҳрини қозонадилар ва қафедра мудирини лавозимига қўтариладилар.

Энди қахрамонимиз ким эканлигини танигандай бўляпсизми? Бу киши

физика-математика фанлари доктори, профессор, Халқорик алоқа академиясининг академиги, "Моҳир алоқачи", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Хайрулла Қобилжон ОРИПОВ бўлади.

Қарийб 36 йилдирки, бу инсон шу даргоҳда меҳнат қияпти. Отам бу даргоҳнинг номини ҳар гал тилига олганларида, кўзлари қувончдан порлаб кетади. Чунки, уларнинг кўп хотиралари бу ном билан боғлиқ.

Талабалик йиллари, дўстлар давраси... Илм чўққисига чиқш учун ўзининг дастлабки қадамларини қўяётган бу инсоннинг қўлларидан маҳкам тутиб, унинг йўлларини ўз илмининг машъалалари билан ёритиб турган азиз устозларнинг муборак руҳи бор бу ерда. Ўзининг кичик тажрибасидан олган натижасидан қувонган шогирдларининг шодлиги бор бу ерда.

Бу одам қанчалик банд бўлишига қарамасдан ўзининг асосий вазифасини доим ёдида тутарди. Хамиша талабалар даврасида бирор масала ечими юзасидан бахслашаётган бўлади ё олинган амалий натижаларини ўз лаборатория қурилмалари ёрдамида бирма-бир текшириб, мушоҳада юритишдан чарчамайди. Хайрулла ОРИПОВ иқтидорли талабаларни фаннинг ечилаётган долзарб муаммоларига чуқурроқ киришга ва унинг моҳиятига етиб боришга ундайди. Бу фикрларнинг исботи ўлароқ ҳар йили уларнинг раҳбарлигида номзодлик ва магистрлик диссертациялари,

бакалаврлик ишлари ҳимоя қилинади. Улар тарбиялаган минглаб шогирдлари орасида Президент стипендиатлари, фан номзодлари, алоқа корхоналарининг раҳбарлари ва етук мутахассислари етишиб чиққан бўлиб, бугунги кунда улар соҳа равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Х.ОРИПОВ мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг нашрларида чоп этилган юздан ортққ илмий мақолаларнинг муаллифидир. Унга яқин ихтиролари Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси томонидан муаллифлик ҳўқуқи билан тасдиқланган, микроэлектроника, схемотехника ва ўта юқори частоталар фанларига оид киркдан ортққ ўқув қўлланимлари бор. Ҳа айтгандай, микроэлектроника оламига "Инжекция – волтаик транзистор" деб аталган янги номни ҳам шу инсон олиб кирди. Улар бу транзисторни ихтироқисси ҳисобланадилар.

Бу олим оилада қандай экан, деб қизиқаётгандирсиз. Бўлмаса эшитинг: улар биринчи навбатда муносиб фарзанд, яқинларига оқибатли жигар, вафолари ва садокатли ёр. Беш фарзанднинг қаттиққўл, лекин меҳрибон отаси, набираларининг севимили бобожонисидир. Ўз фазилатлари билан бизларга ўрнатқ бўлган отажоним барчамизни олий маълумотли қилиб тарбияладилар. Мен ва кичик синглим уларнинг йўлларидан бориб, алоқа соҳасида, қолганлари тиббиёт, социология соҳаларида эл-юрт хизматиде фаолият юрияпминг.

Отажон! Камтарлик фазилатингиз сизни камолга етказди. Илоҳим, Аллоҳ умрингизни зийда қилсин ва қалбингиз тубидаги илмлар уммонини билан минглаб илмга ташна дилларни қондириб юраверинг.

**Умида ОРИПОВА,**  
**ТАТУ ўқитувчиси**

## Хикмат

**Ота-она — олтин қанот.**



Ўткирбойни балки танирсиз, ўзи тракторчи. Қачон қараманг, мойга ботиб юради. Қайси кун "Биласизми, ака, менда ноёб қобилият пайдо бўлган. Худо бераман деса, ҳар қандай одамга ҳам бера экан. Пичоқ, қошиқ, қайчи шундоқ менга ёпишиб қоляпти-ки", деб қолди. Мен аввалига ишонмадим. Қўлимда ҳўкизининг темир қозиги бор эди. Олди-да, шундай чўнтагига яқинлаштирган эди, ёпишди-қолди. Тортаман, қани энди, жойидан қимирлатолсам. Қулди, кейин: "Ўзим қувватимни озайтирсам, барибир ололмайсиз, энди атаганингизни беринг", деди. Чўнтагимда минг сўм бор эди, шуни бердим. "Қамку?" деди. Бори шу, дедим. "Майли, бориға барақа", деб қозигимни ўзи олиб берди. Айтишча, юриб кетаётган машинани тўхтатиш қўлидан кўлар экан. Тўхтаб турган тракторни жойидан қимирлатармиш. Вой, кўдратингдан кетай, бу мўъжиза-ку, дедим ёқамни ушлаб. Шунда "Менинг қўлимдан ҳавони иситиш ва совутиш ҳам келади", деб қолди. Энди буниси ортикча деб ўйладим. Шундай бўлса ҳам: "Шу гапинг рост бўлса, ҳарорат баланд бўлгани туфайли далада ишлаш қийин бўляпти, бир озгина ҳавони салқин қилиб бер", деб илтимос қилдим. Ўшанда индамовди, лекин айтганимни қилибди. Телевизорда об-ҳаво маълумотини ўзим эшитдим, эртага ёмғир ёғиб, ҳаво салқин бўлар экан.

— Хотин, Ўткирбойнинг каромати бу! — дедим ёнбошлаб олиб, ойнаи жаҳондан кўзимни ўзмай.

— Ўткирбойнинг қачон қараманг, ичиб юради-ю, қанақа каромат кўрсатиши мумкин? — деди у.

— Э, хотин, сен ҳозиргиларни билмайсан. Истаган киши каромат кўрсатиши мумкин. Мана, Майлини олайлик. Мактабни аранг битирган. Математика ўқитувчимиз унга: "Сен одам бўлмайсан", дерди. Муаллимимиз адашган экан, энди қара, қап-қатта одам, тагида машина, ҳашаматли ҳовли-хоёга эга. Биз-несмен. Ўзининг айтишча, қобилияти шу пайтгача ухлаб ётган экан,

энди уйғонибди. Ёки шоир Бахшимурад Хайронни олайлик. Шеърлари бирорта газета ё журналда чиққан эмас. Аммо ўз ҳисобидан "Қозон-товоқ", "Қошиқ", "Қаллапоча", "Ҳасиб", "Аччиқ-чучук — газакка тузук" номли китоблар чиқарибди. Қайси кун "Келиноиди билан ўқирсиз, фақат севги ҳақида ёзганман" деб, "Кўзалари сузук" шеърлар тўпламига: "Ҳақиқий деҳқон Майдон акамга, кетмон дастасидай бақувват соғлиқ тилаб, ш о и р Бах-



Ҳажвия

шимурод" деб дастхат ҳам ёзиб берди.

Ўткирбойнинг ота-бобоси ҳам нафаси иссиқ, ноёб хислатли одамлар бўлишган. Қонида бор-да, қонида.

— Эсингизда бўлса, — деди хотиним, — бир пайтлар Чумак, Кашпировский деганлари ҳам чикувди. Телевизорнинг ёнига сув қўйиб, сеанс ўтказайтганда томоша қилсангиз, бадинингиздаги ҳар қандай жароҳатингиз битиб, чандиқ йўқолар экан. Чиндан ишониб, кесирива қилинганда қолган изни йўқотаман деб ҳамма сеансларини кўрдим. Уйдаги ишларни қилмаясан, дея сиздан дакки ҳам эшитганман. Лекин из-пиз йўқолгани йўқ.

— Хотин, улар бошқа. Апирист эди. Бу ўзимизники, — дея девордаги каштага тикилиб қолдим. — Буни

ким тиккан?

— Момомиз.

— Сен на гилам тўқийсан, на кашта тикасан. Момоларимиз каштага баргининг расмини солишган. Чет элликлар юртимизга келишиб, уни сотиб олиб кетишяпти. Чумак, Кашпировскийларинг олдин Ўткирбойдан сабоқ олишсин. Билдинг. Бизда Ўткирбойга ўхшаганлар кўп. Фақат дангасамиз. Бир оз ҳаракат қилсак, олам гулистон. Томиримиздаги ухлаб ётган қобилиятимиз уйғонади. Сенда ҳам, менда ҳам ноёб хислат бўлиши мумкин. Тинмай ишлайверсак, бир кунни ўзини намоён қилади.

— Намоён қилмаса-чи?

— Аввало ниятни иссиқ қил. Бизда намоён қилмаса, болаларимизда намоён қилади.

— Энди бизнинг ҳам биримиз икки бўлсин дейман-да...

Шу пайт ўтирган хонамизнинг деразаси шарақлаб очилиб кетди. Кучли шамол туриб, жала бошланди.

— Хотин, телефонни бу ёққа ол, — дедим шошиб.

— Кимга кўнгирак қилмоқчисиз? — сўради хотин.

— Кимга бўларди, Ўткирбойга, кароматини ошириб юборди. Бас қилсин, бўлмаса, даладаги ҳосил нобуд бўлади. Дарҳол керакли рақамларни тердим. Бир оз кутдим. Сўнгра:

— Лаббай, — деган аёл кишининг овози келди дастакдан.

— Ўткирбойни қақирсангиз.

— Ўткирбойнингизнинг тили калимага келмайди. Роса отган. Чўзилиб ётибди. Ака, бирор гапингиз бормиди?

— Бир илтимосим бор эди.

— Эй, қўйинг шу илтимос-пилтимосингизни, илтимос қиласиз-да, кейин пул берасиз. Пулингизга тўйиб ичади. Кунда аҳвол шу.

— Ундай деманг. Эрингиз кароматли одам. Уз кўзим билан кўрдим, қайси кун темир қозигим унга ёпишиб қолди.

— Э, э... Кавлаб кўрмабсиз-да, тракторнинг катта магнитини олиб юради чўнтагида...

Абдураззоқ ОБРЎЙ

**ТИШИНГИЗНИ ТЕКИНГА СУҒУРИБ ҚЎЯМАН**

— Дўхтир, даволаганингиз учун шундай миннатдорман-ки... — Кечирасиз, мен сизни биринчи марта кўриб турибман ва ҳеч қачон даволаган эмасман!

— Шундай, лекин сиз менинг амакимингиз даволаган эдингиз, мен эса унинг ягона меросхўриман!

— Дўхтир, нега менинг тахлилларим ёмон чиқдидикин?

— Улар учун қанча пул тўлаган эдингиз?

— Ҳар бири учун икки юз сўмдан.

— Э-э, азизим, яхши тахлиллар анча қиммат туради.

— Дўхтир, эрим ўзини чопогон отман, деб хис қилляпти.

— Уни даволашим мумкин, лекин бу сизга анча қимматга тушади.

— Пулдан ташвиш тортманг. У икки марта пойгада голиб чиққан.

Шифокор беморларни қабул қилишда ҳамиша "биз" деб гапиришга одатланди:

— Қорнимиз огрияпти, аҳволимиз ёмон. Бундан ташқари, акса урпақимиз. Энди нима қилишимиз керак?

— Менимча, — деди ҳайрон бўлган бемор, — биргаликда бошқа дўхтирга борганимиз маъқулга ўхшайди.

Тунда тиш шифокорининг уйига тушган ўғри қўлга иллинадиган ҳеч нарса тополмай пул талаб қилди:

— Афсуски, менда пул йўқ, — эснади тиш шифокори. — Лекин атайлаб келиб қуруқ қўл билан кетмай десангиз, тишингизни бепул суғуриб қўйишим мумкин.

**BU-QIZIQ!**

**АРАВАЧАЛИ ПОЙАБЗАЛ**



Япониядаги пойабзал дўконларидан бири антика шаклдаги пойабзалларни сотувга қўйди. Масалан, аёллар туфлиларидан бирида пошаси ўрнига филдираклар жойлашган. Бундай ҳолатда у кўпроқ чиройли араваани эслатади. Аммо бу пойабзалда юриш ҳам шундай чиройли бўларканми, буниси номаълум. Ёки тўрт филдиракли бутсини олсак...

Дизайнерлар фаол кишилар учун бу каби пойабзаллар айна мўддао, дейишмоқда.

**СЕП УЧУН "ҚАМАЛГАН" АЁЛ**

Ҳиндистонлик бир аёл етарли даражада сеп бера олмагани туфайли эри томонидан 15 йил давомида уйда қамалишга маҳкум бўлган.

Хуқуқ ҳодимларининг айтишларича, аёлни кўп қаватли уйлاردан бирида, қулфланган хонадан топилган. Бу ҳақда Калкутта полициясига қўшнилар хабар беришган. Оилада аёлни бундай қамоққа маҳкум этган уч нафар киши, жумладан, унинг эри ҳам қамоққа олинди.

Ҳиндистонда аёлларга зўровонлик қилиш аксарият ҳолларда тўйдан кейин келин томонидан берилиши лозим бўлган сеп туфайли келиб чиқади.

**BILASIZMI?**

**ЯПОНЛАР "КИЙИМИ"**

Японлар ўз қадриятларига, урф-одатларига катта ҳурмат билан қарашади. Хусусан, япон аёлларининг миллий кийими ҳисобланган кимано ондан қиз фарзанда мерос қолдирилади.

"Кимано" сўзи япон тилидан таржима қилинганда "кийим" деган маънони билдиради. Қадимда бу либос эни ва бўйи узунлиги бир хил бўлган матодан қўлда тикилган. Моҳир чеварлар киманога антика безаклар бергани учун ҳам у жуда қимматбахо кийим ҳисобланган. Шунинг учун у ниҳоятда авайлаб кийилган. Бу мўъжаз



кийимни кийишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Ҳатто, бу борада Японияда махсус ихтисослашган мактаблар фаолият олиб боради.

Кимано 12 қисмдан иборат бўлади. Бугунги кундаги замонавий услубда тикилган киманоларда ҳаракатланиш у қадар қийинчилик туғдирмайди.

## ЯНА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЛАН БИР ГУРУХДА

Чоршанба кuni Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида келаси йили Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада футбол мусобақаси саралаш босқичининг якуний гуруҳ ўйинларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси иккинчи босқичдаги гуруҳдоши – Жанубий Корея билан яна бир гуруҳдан жой олди. Шунингдек, "В" гуруҳидан Баҳрайн ва Сурия олимпия терма жамоалари ҳам ўрин эгаллаган. "А" гуруҳида Ирок, Ливан, КХДР ва Австралия олимпия терма жамоалари куч синашадиган бўлдилар.

"С" гуруҳида Япония, Саудия Арабистони, Қатар ва Ветнам олимпия терма жамоалари баҳс олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, ўз гуруҳларидан биринчи ўринни эгаллаган жамоаларгина Пекин йўлланмасини қўлга киритади.



## ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ

Самарқанд шаҳрида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган алоқа корхоналарининг 6 жамоаси ўзаро беллашдилар.

Кескин ва мурасасиз ўтган беллашувларнинг финал ўйинида «Самарқанд Телеком» филиали ва 4-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси (ШМАТБ) жамоалари голиблик учун куч синашдилар. Учрашувнинг асосий вақтида 3:3 ҳисоби қайд этилгач, пеналти белгиланди. Дарвозаларга киритилган тўплар нисбати бўйича бир тўп ортиги билан 4-ШМАТБ жамоаси голиб деб топилди. «Самарқанд Телеком» филиали жамоаси иккинчи ва «ЎИ-Самарқанд» филиали жамоаси учинчи ўрин соҳиб бўлдилар.

**Абдуғофур ХОТАМОВ,**  
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## “АЛОҚАБАНК” — ГОЛИБИ!

Навоий тиббиёт коллежи спорт мажмуасида навоийлик алоқачилар жамоалари иштирокида мини-футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Беллашувда "Ўзбектелеком" АКнинг "Навоий Телеком" филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали, вилоят радиотелевизион узатиш маркази, АТ "Алоқабанк"нинг Навоий филиали ҳамда 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Қизгин ўтган беллашувларда "Алоқабанк" жамоасининг қўли баланд келди. Мусобақа голибларига вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Маруся ҲОСИЛОВА,**  
«Хабар»нинг Навоий вилоятидаги мухбири

## “Бухоро Телеком” БАҲСНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Бухоро шаҳрида вилоят алоқа корхоналари ўртасида мини-футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали, "Ўзбектелеком" АКнинг "Бухоро Телеком" филиали, Бухоро радиотелевизион узатиш маркази, "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Бухоро боғламаси, вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси ва Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси жамоалари иштирок этдилар.

Ҳафтада шиддатли тарзда ўтган баҳслар "Бухоро Телеком" филиали устулигида яқунланди. Улар биринчи ўринни эгалладилар.

Иккинчи ўрин "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали, учинчи ўрин "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Бухоро боғламаси жамоасига насиб этди.

Мусобақа голиби Навоий шаҳрида ўтказиладиган Фарбий-худудий минтақавий гуруҳ баҳсларида иштирок этадиган бўлди.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## МИНТАҚАВИЙ МУСОБАҚА

Шу йилнинг 14-16 июн кунлари Навоий шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кенгашининг Кубоги учун мини-футбол бўйича "Фарбий" худудий-минтақавий гуруҳ мусобақалари бўлиб ўтади.

Унда "Қорақалпоқ Телеком", "Бухоро Телеком", "Қашқадарё Телеком" филиаллари, Сурхондарё "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси, Хоразм, Навоий вилоятларининг "Алоқабанк" жамоалари иштирок этиши кутуляпти.

Мазкур гуруҳдан учта жамоа финал ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**С.АБДУҒАНИЕВ**

## KIBERSPORT ҚИЗҒИН ВА КЕСКИН БЕЛЛАШУВЛАР

**Бухорода компютер ўйинлари бўйича бешинчи Ўзбекистон чемпионатининг дастлабки мусобақалари ўтказилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларидан келган 500 нафарга яқин ўйинчи WGG 2007 Uzbekistan Preliminaryнинг ушбу саралаш босқичида иштирок этиш истагини билдирди. Бундан олдинги йилларда бўлганидек бу гал ҳам асосий баҳслар Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйинлари бўйича ўтказилди.



Финалда Нукуснинг "Extreme" ҳамда Бухоронинг "Hell Crew" жамоаси юзма-юз келдилар. Бу иккала жамоа ҳам мана бир неча йилдирки, WGG ўйинларида фаол иштирок этиб келади. Қизгин кечган баҳсда мезбон жамоа – бухоролик геймерларнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб, моҳир ўйинчилар — Зафар Султонов, Алибек Ҳасанов, Аваз Бекмуродов, Илхом Ҳайдаров, Евгений Жўраевлардан иборат "Hell Crew" жамоаси Тошкентда ўтказиладиган миллий чемпионатда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Компютер мусобақаларининг иккинчи куниде эса қолган 4та ўйинга яқун ясалди. Дастлаб Need for Speed™ Carbon ўйини бўйича голиблар аниқланди. Унда Артем Ражабов барча рақибларидан устун келиб, миллий финалга борадиган бўлди.

Фирдавс Ҳасанов мана 3 йилдирки, StarCraft®: Brood War™ ўйинида фаол иштирок этиб пешқадамлик қилмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. Уни ҳам барча голиблар қатори миллий чемпионат мусобақалари кутяпти.

Шунингдек, FIFA Soccer 07 ўйинида Виталий Шин, WarCraft® III: Frozen Throne ўйинида эса бухоролик Игор Михайловлар юқори натижаларга эришиб, пойтахтда ўтказиладиган финал баҳсларида катнашиш ҳуқуқига эришдилар.

## КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

2007 йилда ўтказиладиган компютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионатида катнашиш учун хоразмлик геймерлар тайёргарлик ишларини анча илгари бошлаб юборишган эди. Яқинда улар малакаларини ошириш мақсадида вилоятдаги энг йирик интернет-кафе – Urganch Universal Servis масъулияти чекланган жамиятида ўзаро куч синашишди. Мусобақа ТАТУ Урганч филиали, UUS МҲЖ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Компютер ўйинлари бўйича энг яхшиларни аниқлаб, уларни доимий равишда жаҳон кибер-ўйинлар чемпионатида тайёрлаб боришимиз лозим, – дейди ТАТУ Урганч филиали кафедра мудири Мақсуд Шарипов. – Тажрибали мураббийларга таяниб компютер техникасини мукаммал эгаллаётган ёшларимиз билим савияси тобора ошиб бормоқда. Кучли гэймерларимиз жаҳон миқёсида ўз ўринларини эгаллашларига шубҳа йўқ.

Мусобақада 80га яқин ёшлар иштирок этишди. Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**  
«Хабар»нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусалд КҮЧИМОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асадул ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶  
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

553-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 9411 нуска.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Матн тереви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топшириш вақти — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

## ● "KABUTARDAN — SAMOVY ALOQAGACHA!"

Инсонлар ўртасида ўзаро алоқа даставвал овоз чиқариш, ҳуштак чалиш, буюмларни тарақлатиш каби усулларда бўлган.

Қизиғи шундаки, бу усуллар Африка, Америка қитъасида яшовчи кичик қабила-лар орасида ҳозир ҳам сақланиб қолган.



# ПОЧТАЧИ ФИЛЛАР

Айрим қабилалар бу алоқа воситасини такомиллаштириб, кундузи ойна шуъласи, кечаси олов ёқиб бир-бирларини сергакликка чақирган.

Перу, Фарбий Америка, кейинчалик Чин (Хитой)да кишилар каучук дарахти, ипга ўхшаган илдизларга тугунча ясаш, рангини ўзгартириш билан ўзаро алоқа ўрнатилган. Оқ ранг — тинчлик, қизил — уруш хавфи, қора — мудҳиш воқеадан дарак берган. Илдизларни бир, икки ёки уч тугунча тугиш ҳам ўзаро келишилган воқеалардан бир-бирларини хабардор қилиб турган. Қарияларнинг бир жойга кетаётганда ёддан чиқмаслиги учун дастурмол учини тугиш қўйиш одатлари ўша азал удумлардан қолган бўлса, ажаб эмас.

Эрамиздан аввалги асрларда ҳарбий юришлар хат-хабар етказиш йўли билан тартибга солинди. Унда махсус чопарлар тайёрланиб, улар от, туя, хачирлардан фойдаланилган. Секин-аста бундай алоқа давлатлараро ривож топиб, Буюк Ипақ йўлидаги Миср, Эрон, Туркия, Туркистон ва Хитой давлатларини қамраб олган.

Олимпиада ватани Грецияда ҳам «чопқирлардан» унумли фойдаланилган. Грекларнинг форслар устидан қозонилган ғалабасини етказиш учун Марафон деган жойдан Афинага Филипид исмли ҳарбий зобит 42 км. 195 метр масофага югуриб келган. Шунинг учун ҳам Олимпиада ўйинларида узоқ масофага югуриш мусобақаси «Марафон» дейилади.

Император Юлий Цезар ўз тасарруфидаги ерларда яёв ёки отли почта ташиш усулини қўлади.

Август подшолиги даврига келиб, отлар аравага қўшилди. Ҳар бир йўналиш бўйлаб ҳаракат қилган отларни белгиланган жойларда алмаштириш, чопарларга дам олиш шароитлари яратилди. Бу усул аста-секин бутун дунё миқёсида тарқала бошлади, лекин ушбу почта фақат ҳукмдорлар учун хизмат қилган.

Кабутарлар орқали хат жўнатиш кўпгина ўлкаларда синовдан ўтган бўлиб, у маълум бир доира, масофадан нарига ўтмаган.

Германия ва Франция давлатларида Сена дарёси орқали шиша идишларга солинган хатлар оқизилиб, маълум нуқтада тутиб олинган, лекин уларнинг кўпчилиги ўз эгасига етиб бормаган. Шимолий Канада, Аляска, Россиянинг узоқ шимолида ҳозир ҳам «Чана почтаси» ит ва буғулар орқали амалга оширилади.

Шарқий Ҳиндистон, Судан ва Марокаш давлатларида почта ходимларининг энг яқин ёрдамчиси фил, кўтос каби ҳайвонлар ҳисобланади. Индонезиянинг чекка қишлоқларида ҳозир ҳам хатжилд устига куш патини ёпиштириб қўйиш одати сақланиб қолган.

Почтага энг кўп хизмат қилганлар — отлар ҳисобланади. Америкада «От почтаси» 1861 йилгача, Германияда эса 1905 йилгача фаолият кўрсатган.

XV асрга келиб почта аҳолига ҳам хизмат қила бошлаган. 1646 йилдан бошлаб Германияда биринчи бўлиб почта хизмати давлат тасарруфига олинган.

Почта хизмати Германия, Пруссия, Саксония бўйлаб Русияга ҳам етиб келди.

Маълумотларга кўра, 1750 йилга келиб, Русия почтаси хизматида 3900дан ортиқ от, 574 почта маскани мавжуд бўлган. 1840 йилга келиб Петербург-Царское село йўналиши бўйича почтани темир йўл орқали ташиш йўлга қўйилди.

Москвадан жўнатилган хатлар бир кун ичида Петербургга, Берлиндан эса 3-4 кунда Москвага етиб келган.

1850 йилга келиб, ўз-ўзидан Халқаро почта тизимини яратиш масаласи пишиб етилди. Германия-Австрия почта бирлиги хизмати ҳақида шартнома имзоланди. Унга шу йилнинг ўзида ўнлаб Европа давлатлари қўшилди. Хат ёки жўнатма учун тўланадиган почта ҳақи — тариф белгиланган юзага келди.

Пруссия почтаси маслаҳатчиси Генрих Стефан томонидан биринчи бўлиб Берлин шаҳрида почта музейи ташкил этилди. Россияда бундай бўлиб Санкт-Петербургда, Ўзбекистонда эса Хива шаҳрида мавжуд.

1874 йилнинг 15 сентябрида Берн шаҳрида Дунё почта ходимларининг биринчи конференцияси ўтказилиб, халқаро почта хизмати шартномалари имзоланди.

1878 йилда Парижда дунё почта ходимлари конгресси бўлиб ўтди ва унда халқаро почта бирлашмаси (уюшмаси) ташкил этилди. Ҳозирга келиб, мазкур уюшмага дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо ҳисобланади.

(Давоми бор).

**Эгамберди ҲАМИДОВ,**  
Ўзбекистон филателистлар жамияти раиси

## ● FILATELISTLAR BURCHAGI

## 2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хоржий давлатлар раҳбарлари ва жамоат арбоблари билан бўлган учрашувларига бағишланган почта маркалари.



331. "Ислам Каримов ва Цзян Цземин" почта маркаси.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



332. "Ислам Каримов ва Герхард Шрёдер" почта маркаси.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.

## ОБУНА — 2007

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Давр шиддаткор. Ҳаш-паш дегунча 2007 йилнинг олтинчи ойи ўтиб бормокда. Аввал ҳам қайд этганимиздек, газетамиз обуначилари сони биринчи ярим йилликда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпчиликини ташкил этди. Бироқ иккинчи ярим йилликда Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда пойтахтимизда «Хабар» ўқувчилари сони камайиши мумкин. Аммо, яхши биласизки, республикамизда йил давомида газета-журналларга обуна бўлиш тизими йўлга қўйилган. Сиз ана шу имкониятдан фойдаланиб, «Хабар»га жорий йилнинг иккинчи ярим йили учун обуна бўлишингиз мумкин. Газетамизга обуна бўлсангиз, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг сўнги янгиликлар, хабарлар, юртимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеалар, компьютер ва интернетдан фойдаланиши ўргатувчи сабоқлар, турли детектив-саргузашт асарлар, ҳикоя ҳамда ҳажвиялар, кроссвордлар, пазанда маслаҳатия ичакузди хангомалар, барча теледастурлар билан танишиш имконига эга бўласиз.

Фурсатни бой берманг, азиз дўстлар!

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Фарғона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари ходимлар — Фулможон ҚОДИРОВНИ 55 ёшга, Тожибой ДАДАБОЕВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, хонадонларидан тинчлик, файзу барака аримаслигини тилайди.

«Қашқадарё Телеком» филиали жамоаси филиал ҳисобчикассири Сафар ҚУВВАТОВНИ таваллуд топган куни билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

«ЎзИ-Қарши» филиали жамоаси телеграф бўлими электромонтёри Анна АБКАДИРОВА, мижозлар билан ишлаш бўлими операторлари Малоҳат ТОШЕВА, Муқаррам АҲМЕЖОВА ҳамда филиал электромеханиги Светлана ФИСЕНКОларнинг таваллуд топган кунлари билан самимий муборакбод этиб, уларга мустақкам соғлиқ, оилаларига тотувлик тилаб қолади.

### «ЁШ АЛОҚАЧИ» ЯНГИЧА ҚИЁФАДА

Ёзги таътилга чиққан бир гуруҳ болақайлар ҳар йили ўзлари мириқиб ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳ дарвозасидан ичкарига киришди-ю, севимли масканларини танимай қолишди...

